Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

26 сон
24-30 июн, 2004 йил

27 июн – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Мен халқимизнинг азалий орзу-умидлари, асрлар давомида интилиб келган эзгу мақсадлари рўёбга чиқаётган ҳозирги кунларда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишда жонкуяр ва фидоий журналистларимиз жамиятимизнинг суянчи ва таянчи бўладилар, деб қатъий ишонаман.

И. КАРИМОВ

ҚАЛАМ "ЮКИ" – МУБОРАК



Шерзод ҒУЛОМОВ - Ўзбекистон Журналистлар иждодий уюшмаси раиси

Анча йиллардан буён журналистлар тарқоқ бўлиб қолганди. Журналистларнинг дарди билан яшайдиган, уларнинг бошини бир жойга қовуштирадиган уюшма зарур эди.

Шу йилнинг 26-март куни Республика Журналистлар уюшмасининг Таъсис конференцияси ўтказилиб, Уюшма расмий тан олинди. Уюшмамизнинг вазифаси: журналистларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини кўтариш, турли газета ва журнал, телерадио каналларида, нашриётларда ва ахборот агентликларида ишлаётган ижодкорларнинг ижтимоий, иқтисодий, ижодий ҳамда муаллифлик ҳуқуқларини, шаъни ва қадр-қимматини, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг муассислари ва ноширлари олдидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбек матбуоти-ўз мустақил ватанининг, Инсон манфаатларининг ҳимоячисидир. Бунинг учун барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Мустақил республикамизда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ишлаб чиқилган.

Айни пайтда етук журналист кадрлар тайёрлаш учун имкониятлар кенгайтирилди: Жаҳон тиллари Университетида-Халқаро журналистика факультети, Санъат институтида-санъатшунос журналистлар тайёрлов бўлими, Қарши Университетида ҳам Журналистика бўлими ташкил этилди. Булар ҳаммаси Ўзбек журналистикасининг равнақи йўлидаги хайрли уринишлардир.

Пайтдан фойдаланиб, жамийки қалам аҳлини, журналистларимизни касб байрамимиз билан қутлайман.

ТЕЗКОРЛИК ВА МАҲОРАТ ЗАРУР

1980 йилдан буён телевидениеда ишлайман. Телевидениеда журналист ўйлаган ғоя бир киши билан ниҳоясига етмайди. Бунда тасвирчининг, режиссёрнинг мусиқачининг, монтажчисайқалчининг, дизайнер, чироқчи, ҳатто машина ҳайдовчисининг ҳам хизмати беқиёсдир. Шу боис, тележурналист чаққон ва моҳир бўлиши керак. Бундан ташқари ишимизда ходимлар ўртасидаги аҳилликнинг самараси беқиёсдир.

Ҳозир "Давр" таҳририятида ишлаяпман. Бу эса ёшларнинг руҳиятига мос, актуал мавзудаги кўрсатувлар тайёрлаш учун янада билимдон, ахборот манбаи кенг журналист бўлишни тақозо этади. Орзуим-телетомошабинларимиз дидига мос кўрсатувлар яратиш.

Абдусамад ФАЙЗИЕВ
Ўзбекистон телерадиокомпанияси мухбири

ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТИКА - ЯНГИ ДУНЁ

Мустақиллик туфайли 1992 йил 24 июнда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлигининг марказий органи "Ватанпарвар" газетаси дунёга келди. Газета бир йўла ўзбек ва рус тилларида чиқди. Бугунги кунда "Ватанпарвар" газетасида истеъдодли, қалами ўтли журналистлар ишлайди. Ҳозирда майор А. Усмонов, А. Сафаров, З. Юнусова, И. Иброҳимоваларни ҳарбийлар яхши танишади. Бугун ҳамкасбларимни матбуот куни билан ўз номимдан ва ҳарбий журналистлар номидан самимий қутлайман ҳамда ижодларига муваффақиятлар тилайман.

Абдураззоқ ОБРЎЙ,
Подполковник,
"Ватанпарвар" газетаси.

САВОБ ИЗЛАБ ЯШАШ – БАХТ

Инсонга тафаккур ато этилгандан буён у изланишда. Югурик умри мобайнида нималарнидир топади, йўқотади. Одамларнинг корига ярашни, яхшилар хизматида бўлишни бир сўз билан айтганда, савоб излаб яшашни ўзига мақсад қилиб олганларнингина умр сўнгида бошлари хам бўлмайди. Чинакам ижодкорга менимча истеъдод, маънавий бедорлик шунинг учун берилган. Умрни ялтироқ дунёни деб исроф қилмаганларгина чин бахтиёрдирлар. Яратганнинг ўзи бизни ўша орзулардан мосуво этмасин.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД журналист,
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри

ЮРАГИДА ЧЎҒИ БОР АЁЛЛАР

2001 йил Журналист аёллар клубини ташкил этдик. Клубга иқтидорли, моҳир журналист хотин-қизларни жалб қилдик. Ҳар йил энг долзарб мавзуларни қаламга олган журналистлар "Атиргул" соврини билан мукофотланадиган бўлишди. Бундан ташқари фахрий журналистларимизнинг юбилейларини клуб маъмурияти томонидан нишонлаяпмиз. Янги китоблар тақдимоти ҳам клубда ўтказилиб, уларнинг сотилишида имкониятлар яратиляпти, нашриёт директорлари билан учрашувлар уюштирилаяпти.

Шу кунларда Республикамиз фидоий аёллари ҳақида китоб чиқараяпмиз. Бу ишимиз аёллар ҳаётига бир қадар мунаввварлик ато этади деган ниятдамиз.

Мухтабар КАРИМОВА,
Журналист аёллар клуби раҳбари

КАСБИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Марҳум отам Тўхтаниёз Сўфи бобо доим: "Ёзсанг фақат яхши нарсаларни ёз. Одамлар яхшилик ҳақида ўқиганда ўзлари ҳам яхшилик қилишга интиладилар," - дердилар. Онам эса ҳар бир гапларига мақол қўшиб гапирардилар. Шуларнинг таъсирими, тақдирмимана 32 йилдан буён шу соҳада ишлайман. Телерадио-журналистика бошқа матбуот органларидан фарқ қилади. Телевидениеда тасвир биринчи ўринда турса, радиода одамларга мақбул эшиттириш тайёрлаш санъати жуда муҳим.

Умуман "шна билан қудуқ қазиш"-дек мураккаб журналистлик касбини шараф билан уддалаётган касбдошларимиз билан фахрланаман.

Малика ТЎХТАЕВА,
Навоий вилояти телерадиокомпанияси бош муҳаррири

ҚАЛАМ ТУТГАН ҚЎЛЛАР ТОЛМАСИН

"Санам" журнали дастлаб тадбиркор аёлларга мўлжалланганди. Кейинчалик рукнларимиз ҳам, мухлисларимиз ҳам анча кўпайди. Мақсадимиз хотин-қизларимиз маънавий дунёсини янада бойитиш. Журналимизнинг ҳар сонида адабиёт, санъат, маданият, илму урфонга оид материаллар чоп этилади. Ўқувчиларимизга ширин таомлар пишириш, бичиш-тикишларни ҳам ўргатамиз. Руҳшуносларнинг ва ҳуқуқшуносларнинг маслаҳатларига ҳам кенг ўрин берилади. Аёлларимиз дунёқараши кенг бўлса, қандай яхши!

Муборак ТУРОПОВА,
"Санам" журналининг бош муҳаррири

ОЛТИН ОПА

Радиода илк иш бошлаган кунларим эди. Ўша пайтдаги бош муҳарриримиз Саъдулла Сиёев хонасида батафсил суҳбатлашиб ўтирарканмиз, бир аёл кириб келди.

Саъдулла ака: -"Бу опа - Эсоной Содиқова бўладилар. Фонотека хазинасининг билгувчи - пирларидан бири, яна ажойиб ҳикоялар муаллифи ҳам,»-дедилар

Кейинчалик Эсоной опа ўз тўғишган опамдек бўлиб қолди. Эсоной опа 37 йилдирки республика радиосида ишлайди. У устозлари ҳақида айниқса, Рустам Раҳмонов ҳақида тўлқинланиб гапиради. Эсоной опанинг илк ҳикоясига оқ йўл тилаб "Гулистон" журналига тавсия этган экан Рустам ака. Машҳур "Дугоналар" эшиттиришига бир неча йиллар муаллифлик қилган ҳам - Эсоной опа Содиқовадир. Опа икки ўғил, икки қизнинг бахтиёр онаси ҳам.

Ижодингизга барака, Эсоной опажон! Доимо ёнимизда нуроний Она бўлиб, Опа бўлиб юраверинг.

Камолиддин МИНГБОЕВ

ҚАЛБЛАРГА ЭЗГУЛИК УЛАШИБ...

Бу йил омад менга кулиб бокди. Матбуотдаги мақолаларим эътиборга тушиб Республикамизда ўтказилган "Бахт, иқбол ҳуқуқига эгаман" танлови якунига кўра "Энг яхши насрий ва шеърий асар" бўйича биринчи ўринни олдим.

27 йиллик журналистик фаолиятим давомида жамиятимиздаги оғриқ нуқталар ҳақида ўз мулоҳазаларимни билдириб келганман. Бундан мақсадим — одамларни мушоҳадага чорлаш, улар қалбига эзгулик уруғларини сочиш. Мехрга ташна, ўксик қалблар ҳолидан хабар олиш, улар ҳаётидан олинган лавҳа, очерк, шеър, фотосуратлар орқали миллионлаб одамлар орасидан ҳеч бўлмаганда юзта инсон ўз хатосини тушунган бўлса, етим болалар сони ўнтага бўлса-да камайса ютуғимиз, деб ҳисоблайман.

Муҳайё МИРСАИДОВА,
Ўзтелерадиокомпания муҳаррири

С. ФАХРИДДИНОВА тайёрлади.

ҲАЁТ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Президентимизнинг **«Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони зиммамизга катта масъулият юклайди. Аҳолиси зич жойлашган маҳалламизда истиқомат қилувчи аҳолининг асосий қисмини ҳам хотин-қизлар ташкил этади. Мен маҳалла хотин-қизлари билан ишлашда кўпроқ фаолларимиз ҳамда оқсоқолимиз Файзулло Ҳакимовга суянаман.

Маҳаллаларда иш олиб бораётган хотин-қизлар қўмиталари фаоллари ҳар бир аёл дардини ўз дарди, ўз муаммоси деб қабул қилиши, турмуш қийинчиликларини бартараф этиш йўлида жон қойитиши зарур, деб биламан. Бу йил мобайнида маҳалламизда ёшлар орасида ажралишлар қайд этилмади. Демак, ҳаракатларимиз зое кетмаяпти. Биз болалар ҳамда ўсмирлар тарбиясини ҳам сира назардан қочирмаймиз. Фарзандларимизни ниҳоллигидан яхши парваришласак йиллар ўтиб меҳнатимиз ҳосилидан қувонамиз. Ҳаёт биздан улкан масъулият талаб қилади. Президентимизнинг хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармони эзгуликдан, ибрат ташкилий-тарбиявий ишларимизга қанотдир.

Раъно АБДУВОҲИДОВА,
Каттақўрғон шаҳар,
Нарзулло Тоғаев номли маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси

АЁЛ—ЭЪТИБОРГА, ИШОНЧГА САЗОВОР ИНСОН

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

21 июнь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисни Президентимиз Ислом Каримов бошқарди. Фармоннинг асос-моҳияти ҳақида гап бошларкан Президент, бу ҳужжат нима учун қабул қилинди, унинг бош мақсади нимага қаратилган, белгилаб берилган асосий вазифаларни бажаришда эътиборни нималарга қаратиш лозим, деган саволларга жавоб топишимиз ва шу ҳақда фикрлашимиз зарур, деди.

Хотин-қизлар қўмитаси ўзида, аввало, жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган тузилма, деб таъкидлади Президентимиз. У хотин-қизларнинг жамоатчилик асосида тузиладиган бошланғич ташкилотлар орқали аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва турли манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилишларини ифода этади. Агарки, биз эртанги кунимизни чуқурроқ тасаввур этадиган бўлсак, Хотин-қизлар қўмитасини фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантириш ҳақида ўйлашимиз зарурлигини таъкидлади.

Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг хожати йўқ,-деди Президент.

...Хотин-қизлар қўмиталарининг маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан доимий алоқасини йўлга қўйиш, бир ёқадан бош чиқариб ишни ташкил қилиш лозим. Оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш даркор. Бизда фуқаролик жамиятининг икки асосий бўғини - бу маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари бўлиб, улар ўзаро уйғунликда ҳаракат қилиши керак,-дея алоҳида таъкидлади Президентимиз Оқсаройда бўлган мажлисда.

Биз Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани "Зангиота" маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси Маҳмуда Рихсихўжаева ана шу фармон ҳақида жумладан шундай деди:

Маҳалламиздаги фаол онахонлар, кўчабоши аёлларни йиғиб уларга Фармонни тўлалигича ўқиб, ҳар бирларига нусха кўчириб бердим. Чунки маҳаллани бошқаришда мен кўпроқ ана шу фаол аёлларга суянаман. Улар мендан кўра кўпроқ халқ ичида бўлишади. Бир-бирлари билан тил топиб олишлари ҳам осонроқ. Мен ушбу Фармонни ҳар бир аёл тўлақонли тушуниб етишини, қолаверса жамият олдидаги ўзининг бурчини унутмаслигини истардим.

Фарзандларимиз дастлаб оила, мактаб жамоаси билан доимий равишда фаолият олиб бораяпмиз. Айни кунларда юқори синф ўқувчиларининг битирув кечасини ўтказиш ота-оналарга муаммо келтириб чиқараётгабия олишади. Афсуски, баъзи бир ота-оналар тирикчилик ташвишлари билан банд бўлиб қолаётганликлари туфайли бу вазифа кўпроқ маҳалла зиммасида қолаяпти. Шундай экан, биз мактаб жамоаси билан доимий равишда фаолият олиб бораяпмиз.

Сувратда: (ўнгда) Маҳмуда Рихсихўжаева-маҳалла фаоли Шоҳиста Зайниддинова билан.

Ўтган йили ҳар бир маҳалла фаоллари ва ота-оналар ўртасида ўтказилган учрашувлар ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Ота-оналарни йиғиб ўқитувчилар билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб бордик. 9-11 синфни тугатган битирувчиларга қайси олий ўқув юртига кириб ўқишлари ҳақида маълумот бердик.

Шу кунларда оқсоқолимиз Убайдулла Орипов билан яна бир ишни амалга ошириш ниятида елиб-югуриб юрибмиз. Маҳалламизда яшайдиган йигит-қизлардан маҳалла раислигига номзод тайёрлаяпмиз. Насиб бўлса уларга ҳам алоҳида хона ажратиб дарсдан бўш пайтларида тенгдошлари билан ишлашлари учун имконият яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Биз қизларимизни ёшликдан оилага тайёрлаб борамиз, уларга етарлича тарбия берамиз-у, лекин йигитларимизни ҳаёт ҳукмига ташлаб қўямиз. Ўғил бола кўчаники, деймиз. Йўқ, бу хато фикр. Биз уларга ҳам қизлар билан баб-баробар эътибор беришимиз керак. Аёл қанча ўқимишли, зийрак бўлса ҳаётда омади чопаверади.

Нафақат оилада балки жамиятда ҳам ўз ўрнини топаётган аёлларни кўрсам фахрланиб кетаман. Тадбиркор аёлларимизни қаранг. Улар қанча яхши, хайрли ишларни амалга оширишаяпти. Афсуски, ўзига берилаётган ҳақ-ҳуқуқ имкониятлардан тўла фойдалана олмаётган, ҳаётдан орқада қолаётган хотин-қизлар ҳам орамизда йўқ эмаслиги, мени ўйлантириб қўяди. Аёл ҳам ўзига кўрсатилаётган ишончга муносиб жавоб бериши зарур.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА
суҳбатлашди.

ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҚЎЛЛАНИЛДИ

«Оила ва жамият» аралашгач...

Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани, М.Дангалов жамоа хўжалигида яшовчи Маҳбуба Мардиеванинг шикоят хатини туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Азиза Жўраева, ҚФЙ раиси Р.Сапаровлар иштирокида ўрганиб муҳокама қилдик. "Сарибоб" қишлоқ фуқаролар йиғини идорасида Маҳбубанинг қайнона-қайнотаси, яъни Олим Бекбоевлар оиласи билан аризада қайд этилган воқеалар ҳақида батафсил гаплашдик. Олим Бекбоевнинг бир ўғли яқинда қазо қилибди. Бунинг устига келин бўлмиш Маҳбуба билан шунча муаммолар... Бошида шунча кулфат бўлишига қарамай, Олим ака келини Маҳбубага рўзғоридаги ягона сигирини бузоқчаси билан берганини айтди. Ҳаммасини эшитиб ўтирган Маҳбуба ҳам буни инкор этмади.

- Мен эрим Россияга ишга кетган чоғларда ҳам тинч-тотув яшагандим. Лекин кейинчалик орамизда келишмовчиликлар чиқди-да, - дея тан олди келин.

Хўш, шунча вақт тинч бўлган оилада фожеа юз бериб, Маҳбубанинг қайноғаси вафот этган пайтда нега можаро чиқди? Маълум бўлишича, ўртада Маҳбубани турли йўллар билан пул топишга ўргатадиган кимсалар ҳам бор экан. Пастдарғом тумани прокуратураси томонидан гапсўзлар тарқатиб бу оиладагилар орасига адоват солган кимсаларга нисбатан маъмурий чора қўлланиладиган бўлди. Маҳбуба ҳам ёшлик қилганини айтиб, қайнона-қайнотасини ҳурмат қилишга сўз берди.

Йиғилиш қарорига асосан Маҳбубанинг уйи томини хашар йўли билан ёпиб бериш қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинига топширилди. Уйга эшик ва деразалар ўрнатишни Маҳбубанинг қайнотаси ўз зиммасига олди. Туман "Болалар жамғармаси" Маҳбубанинг болаларини кийим-бош билан таъминлаш, фуқаролар йиғинига эса Маҳбубанинг оиласига ижтимоий ёрдам бериш топширилди.

* * *

Шундан сўнг Дилфуза Ҳотамованинг шикояти юзасидан Бухоро вилоятининг Вобкент туманига бордим.

Прмаст қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қаюм Қозоқов, М.Жўрабоев ш/х бошқаруви раиси Ю.Тошев, ҳамда Дилфуза Ҳотамова ва унинг ота-онаси билан суҳбатлашдик.

Чиндан ҳам Дилфуза Ҳотамованинг икки боласи бўлиб, биттаси ногирон экан.

Турмуши бузилган Дилфузанинг ногирон фарзанди ижтимоий ҳимояга қўйилди. М.Жўрабоев номли ш/х бошқаруви раиси Ю.Тошев ёрдам сифатида буғдой беришни зиммасига олди.

Исоқ САТТОРОВ,
Тошкент-Самарқанд-Бухоро

ЖУРНАЛИСТ АЁЛЛАР ЙИҒИНИ

Ахборот

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси қошидаги Республика журналист - ижодкор аёллари клубининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг раиси Шерзод Ғуломов, раис муовини Хуршид Дўстмуҳаммедов журналист хотин-қизларни касб байрамлари билан қутлаб, улар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўзладилар. Йиллар мобайнида ўз ижоди билан ўзбек журналистикасида муҳим ўрин тутаётган журналист аёлларимизга уюшманинг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Кечада тажрибали, журналист Бахшанда Болтаева ҳамда истеъдодли шоира Зулфия Мўминова билан ҳамкорликда ёзилган "Ғиждувон ободдур, Ғиждувон ҳаёт" номли китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Китобда буюк юртбошимиз Абдуҳолиқ Ғиждувоний қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, англаш, халқимиз орасида кенг ёйиш, бу бебаҳо бойликни фарзандларимизга ҳам етказиш бурчимиз эканлиги ҳақида сўз боради. Тадбирда — шоиралар Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Умида Абдуазимова, Ўзбекистон санъати тарихи музейи директори Насиба Иброҳимова, журналист Дилбар Маҳмудова ва бошқалар сўзга чиқишди.

С.ФАХРИДДИНОВА

Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги Пахтабанк жамоаси мижозларга хизмат кўрсатиш борасида ибратли фаолият кўрсатиб келмоқда. Етакчи мутахассис Нодира Ширинова ўз касбининг моҳир устасигина бўлиб қолмай, ажойиб уй бекаси, оилада уч фарзаднинг онасидир.

И.САТТОРОВ олган сурат.



ОҲИМ ЕТМАС...

Гумонларни қалаштирдик,
Ўзимизни адаштирдик,
Муҳаббатни алмаштирдик -
Охири йўқ армонларга!

Кўзлар мисол толе қаро,
Юрак яро, тилак яро,
Оҳлар уриб афсус аро -
Вужуд қолди ҳижронларга!

Ғаним кулди, дўст йиғлади,
Тор кўксимга ишқ сиғмади,
Висол тилаб дил тиғлади,
Кулгу бўлдим ёмонларга!

Ёр дардида жоним ҳалак,
Ғамга тўлиб йиғлар юрак,
Ё мен-осий, ёки фалак -
Оҳим етмас осмонларга!

ТЎРТЛИКЛАР

"Кеч!" дедилар, ҳавасдардан
кеча олмадим,
Ўз майлимдан ўзгача тўн
бича олмадим.
Минг бир тугун саволларга
жавоб топдиму,
Ўз кўнглимнинг бир тугунин
еча олмадим!

* * *

Кел, жоним! Кўзларинг
сузила қолсин,
Маним дил саройим
бузила қолсин.
Ёлғиз болиш қучиб
тирик ётгунча,
Жоним қучоғингда узила қолсин!

Дилмурод САЙЙИД
Тошкент шаҳри

ЙИГИТ ДАРДИ

Мижжа қоқмай, юлдуз санаб,
Бедор тунлар, ёр-ёр.
Йўлингизга термулиб-а,
Ўтди кунлар ёр-ёр.

Йўлингизга чиқиб қўйдик,
Билмасдан - ей, ёр-ёр.
Сиз кетдингиз бизга парво
Қилмасдан эй, ёр-ёр.

Бизни бир кун назарига
Илар бордир ёр-ёр.
Уйимизга оққуш бўлиб,
Келар бордир, ёр-ёр.

Сизда қолган дил парчасин
Қайтиб беринг, ёр-ёр.
Йигит дардин тоғу тошга
Айтиб беринг, ёр-ёр.

Энди тошлар ёрилсин-а,
Дардим осмон, ёр-ёр.
Муҳаббатнинг кўчасида
Жоним сарсон ёр-ёр.

Соҳиб ҳануз юлдуз санар,
Ойдин тунлар, ёр-ёр.
Ёдга тушса тўлғонаман,
Ўтган кунлар ёр-ёр!

СОҲИБЖОН,
Тошкент шаҳри.

ЁЛҒИЗЛИК

Ёлғизликнинг йўлаклари тор
Аммо - лекин узундан - узун,
Тунлар айтар эртаклари бор
Тинглаганда бўларсан маҳзун.

Уйғонасан, ўзингга - ўзинг
Салом бериб - оласан алик,
Кеч кирганда соғиниб яна
Қучоғингга киради жимлик.

Қул ОЛИМ,
Қўқон.

САМАРҚАНД

Балдаи Маҳфуза[1], ер юзин кўрки,
Ширу шакар янглиг тожигу турки,
Мангу гумбазлари бобомнинг бўрки,
Боболардан мерос қолган Самарқанд,
Ер юзидан хирож олган Самарқанд.

Суви Ҳизр суйидир Оби Раҳматнинг,
Ели жаннат ели Боғи Давлатнинг,
Себи Самарқандниг[2] шарбатин айтинг,
Шул боис қизлари шакарқанд дерлар,
Самари қанд дерлар, Самарқанд дерлар.

Оҳайлик тоғида оқтош ота бор,
Баҳорлар жаннатнинг гўшаси тайёр,
Ҳожи бобом наъши шунда барқарор,
Ҳар ўтсам, кўнгилда озор Самарқанд,
Юзлаб азизларга мозор Самарқанд.

Одами шуаро[3] замонидан то,
Бугунги кунгача оламда якто,
Даҳолар етишди бунда бебаҳо,
Ширу шакар халқи бародар шаҳрим,
Самари қанд билан баробар шаҳрим.

Назари тушмиш уч соҳибқироннинг,
Ғавҳари дейдилар буюк Туроннинг,
Улуғбек тарҳини солган осмоннинг,
Ердаги машъали бўлган Самарқанд,
Ҳавоси нашъали бўлган Самарқанд.

Оламни маҳлиё айлади шони,
Дунёни тузукка солди султони,
Шоҳининг минг йилки чиқмади жони,
Афсоналар ичра афсона шаҳрим,
Нақшу нигорлари шоҳона шаҳрим.

Иккита қутбида икки пайғамбар[4],
Ўртада етмиш минг авлиё ётар,
Ҳу десам ҳу-ҳулаб етти пир етар,
Муқаддас руҳларга макон Самарқанд,
Ватан бадан бўлса, руҳ-жон Самарқанд.

Тупроғин тўтиё қилсин басир ким,
Файзи етиб ётар олти асрким,
Хожаи Аҳрорни билмас ахир ким,
Пойида подшолар фидо Самарқанд,
Руҳий дунёлардан нидо Самарқанд.

Ориф ҲОЖИ

1 Балдаи маҳфуза - худо асраган шаҳар (Самарқанднинг халқ орасидаги унвони)
2 Себи Самарқанд - Самарқанд олмаси.
3 Одами шуаро - Рўдакийнинг лақаби.
4 Ҳазрати Дониёл ва ҳазрати Довуд қабрларига ишора.

Эй насими субҳ аҳволим
Дилоромимга айт,
Алишер НАВОИЙ

Аҳволингиз аҳволима аён бўлди,
Насими субҳ насимларинг қаён бўлди,
Ёзиғимда ёзганларим баён бўлди,
Бобом менинг ҳолимни ҳам
билармидинг?

Зоҳид бўлиб тарки дунё этолмадим,
Дийдорини тилаб бундан кетолмадим,
Ҳақ деб ҳақнинг манзилига етолмадим,
Бобом менинг ҳолимни ҳам
билармидинг?

Ахтарурман ахтарини дилим пора,
Шул сабабдин ҳижрон тунин юзи қора,
Бечоралар билмам қайдин топар чора,
Бобом менинг ҳолимни ҳам
билармидинг?

Роҳбонлари ўтиб борар йўл экан бул,
Тақир товон қуйдиргувчи чўл экан бул,
Воҳей ғаму ҳижронлари мўл экан бул,
Бобом менинг ҳолимни ҳам
билармидинг?..

Дилором ДИЛХОҲ

ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

ДАДАМГА

Изсиз ўтар ойимнинг куни,
Сизсиз ўтар ойимнинг туни.
Ранглари-ки бирам заъфарон,
Сиз қайдан ҳам биласиз буни.

Кўзларида мунгли изтироб,
Ҳаёт ширин, баъзан тахир-да.
Кўзларига қараш оҳ, азоб,
Ёлғизликнинг юки оғир-да.

Сиз-ку биздан кечиб кетдингиз,
Не бир қасам ичиб кетдингиз.
Бир касалманд шўрлик ойимга,
Ўлмай кафан бичиб кетдингиз.

Ёмонлик ҳеч жазосиз қолмас,
Худо берсин бизларга сабр.
Бугун сизни кўмдим, дадажон,
Сизга ясаб қалбимдан қабр.
Алвидо...

Ёқутхон ЭРГАШЕВА,
Шаҳрисабз

ВИСОЛИНГИЗ ДЕБ

Мажнун бўлдим эй ёр, гулдек
висолингиз деб,
Узун тунлар шамшод қадди
ниҳолингиз деб.
Боқмадингиз бир бор Мажнун
мисолингиз деб,
Ой юзлигим бўлманг энди кўп ҳам
беқарор.

Руҳи жоним ўзидин ҳам сизни
кўп севар,
Афгонимдин йироқдасиз ҳамон
бехабар.
Келиб ҳолим сўрмагайсиз жон
кетар бесамар,
Хунхор ёрим бўлманг энди кўп
ҳам беқарор.

Ойдин тунлар оромим йўқ,
кўкрагим захда,
Насиб этмас ҳеч бўлмаса
пойингиз гоҳда.
Гумондасиз - ўлар бўлдим қон
ютиб оҳда,
Асл ёрим бўлманг энди кўп
ҳам беқарор.

Мухтор АБДУЛЛА

ВИСОЛ ВА ҲИЖРОН

Сониялар ўтар имиллаб,
Қош қорайиб зулмат ҳам чўкди.
Юлдузлардан ёлқинлар тилаб,
Янги ой ҳам дардини тўкди.

Сендан эса йўқ эди дарак,
Қалб бетоқат урарди чунон.
Ва ниҳоят дунё ёришди,
Ўзга келдим сен кўринган он.

Энтикаман, тилга келмас сўз,
Юзим ёнар, нафасим қайноқ.
Севги, висол бунчалар тотли,
Кутиш, ҳижрон қалб учун қийноқ.

Музаффар МУҲАММАДНАЗАР



МУҲАББАТ

Дунё ёлғон бўлса ҳам,
Ёлғон бўлма муҳаббат.
Дилга гумон тўлса ҳам,
Армон бўлма муҳаббат.

Сен-ла ширин орзулар,
Дилгинамдан жой олар.
Ёлғон бўлсин қайғулар,
Армон бўлма муҳаббат.

Вафо қилсанг сен менга,
Майли жон берай сенга.
Чорла мени ёнингга,
Армон бўлма муҳаббат.

Қалбимда гул чечаксан,
Жонга ширин эрмаксан.
Ахир менга кераксан,
Армон бўлма муҳаббат.

Абдураҳим ЙЎЛЧИЕВ,
Фарғона вилояти,
Ўзбекистон тумани.



ҒЎБДИН

Ғўбдинтоғни тоғ десам, ғори қани,
Саратонда сув берган қори қани,
Бўйи паст деб, сен менга тегмаб эдинг,
Танлаган сирқдайин ёринг қани?

Ғўбдининг ухлаб ётар уйғонами,
Бағритош ишқ ўтида тўлғонами.
Вақтида бизлар билан ўйнар эдинг,
Эндиликда мен сенга бегонами?

Қуррисойнинг бошида коврак ўсар,
Коврагини томири ерни кесар.
Олдингга бориб дилим ёзай десам,
Не дебон акагинанг йўлни тўсар.

Қуррисойни қамиши гаров эмас,
Чайла қилсам чайлага тиров бўлмас.
Борибоқ йўлини тўс деган киши,
Ўша танноз янгангдир биров эмас.

Қорли тоғлар чўққисин учи бўлар,
Қалин қорлар эриса кўчи бўлар.
Борибоқ йўлини тўс деган чечанги,
Мендан ҳеч ололмаган ўчи бўлар.

Ёргинам сарвиқоматдир оқ билак,
Сувга келар, қўлида икки челак.
Сойга келиб чечангиз пойлаб юрар,
Иккимиз сувлар сепишиб ўйнасак.

Ғўбдинингни Саганак сойи оқар,
Сувлари зилол экан дилга ёқар.
Иккимиз сувлар сепишиб ўйнасак,
Нимага янгагинанг куйиб ёнар?
Нега янгагинангни ўтлар ёқар?

ҚАҲРОБИЙ,
Қашқадарё.

ДУНЁ ЎЗИ ҒАНИМАТ

- Опажон, агар вақтингиз бўлса сиз билан гаплашмоқчи эдим, - деди таҳририятга кириб келган, 50 ёшлар атрофидаги аёл. Мен Фарғонадан Тошкентга келин бўлиб тушганимга ҳам 30 йил бўлди. Барча қариндошларим Фарғонада. Отам бундан уч йил олдин вафот этди. Охирги марта борганимда, раҳматли отам: - "Болам, бир кунгина ёнимда қол, сенга айтадиган гапларим бор", - деганди. Мен ишимни баҳона қилиб узр сўраб кетгандим. Ўшанда отамни охирги марта кўриб турганлигимни билмаганман. Бирор ой ўтар ўтмас: - "Отам оғир бўлиб қолди, тез етиб кел", - деб қўнғироқ қилишди. Етиб борганимда отам хушсиз ётарди. Уч кун ёнларида оғзига сув томизиб ўтирдик. Хаёлимга: «Отам билан сўзлашай», - деган фикр келди.

- Отажон, ўшанда ёнингизда қолмаганимдан минг бор пушаймонман. Менга нима демоқчи бўлгандингиз? «Опа, ука, сингилларингга ўзинг бош бўлиб, кўз-қулоқ бўлиб тургин. Улар ўзаро меҳр-оқибатли бўлиб яшашсин, демоқчимидингиз? Биздан рози бўлинг»,-дедим. Отам ўшанда қўлимни секин сиққандек бўлди ва кўзидан ёш оқиб кетди. Ўша куни ярим тунда отам оламдан ўтди.

Ҳозир онам 82 ёшда. Баҳорда уларни кўришга боргандим. "Болам, мени ҳам ўзинг билан Тошкентга олиб кет, синглингни ҳам кўриб келаман", - деди. 5-6 йил олдин синглимнинг оиласи ҳам Тошкентга келишган эди. Фарзандлари ёш. Онамни кўришга тез-тез боролмайди. Бу гапдан сўнг онамни Тошкентга олиб келдим. Бир ҳафта меникида, бир ҳафта синглимникида яшаб юрибди. Иккаламиз ҳам хизматларини қилиб кўнгилларини олишга ҳаракат қилаяпмиз. Бир куни: "Қизим , - деди онам, - сен билмайсан. Бундан 15 йилларча олдин Сарвиноз синглинг Акмалжон укангнинг хотини билан айтишиб қолишган. Жанжаллари устига Акмалжон келиб қолиб хотини билан синглисини уришган. Бироқ - Сарвиноз синглингнинг жудаям кеки қаттиқлигини билмаган эканман. Орадан шунча йил ўтибдики, ҳали ҳам на акаси, на янгаси билан гаплашмайди. Борди-келди қилмайди. Акмалжон менинг насиҳатим билан икки марта хотинини олиб Сарвинозникига борди. Лекин, синглинг уларни уйига киритмабди. Яқинда Акмалжон хотин бола-чақаси билан мени кўришга келади. «Мен синглингникида бўламан. Сен уларни изимдан олиб бориб, синглинг билан яраштирсанг», - деди. Хуллас, укам Акмалжон, хотини ва болалари билан онамни кўргани келишди. Гап орасида онамнинг илтимосини айтгандим, улар хурсандчилик билан,- "Хўп опажон, нима десангиз шу. Ёшликдаги ахмоқчилигимиз туфайли гаплашмай, борди-келди қилмай юришимиз нотўғри. Онам тўғри айтибди. Кўнгли тўлиши учун биз ҳамма нарсага розимиз»,-дейишди. Эртасига синглимникига борадиган бўлдик.

Келин асли тошкентлик бўлганлиги учун кечки пайт улар унинг ойисиникига кетишди. Синглимнинг уйида телефон йўқ эди. Шунинг учун эртаси куни келишилган вақтдан олдинроқ, қизимни олиб синглимникига йўл олдим. Ўзим автобус бекатида укамлар келишини кутадиган бўлдим. Қизим холасиникига огоҳлантириш учун кириб кетди. Бир пайт ранги - рўйидан жаҳли чиққанлиги билиниб турган синглим бир алфозда олдимга келди-да: «Нега мендан сўроқсиз уйимга бировларни олиб келаяпсиз? Овора бўлманг, уларни барибир уйимга киритмайман. Онам керак бўлса, уйингизга олиб кетинг ва ўғилжонлари билан учраштиринг", - деди-да уйига қайтиб кетди. Мен ҳайрон бўлиб қолавердим. Синглимнинг гапларидан лол қолгандим. Бу орада катта пакетни совға-саломга тўлдириб, кичик ўғлини етаклаб укам етиб келди. Кайфиятимни кўрса-да кўрмасликка олиб, хотини онасига қарашиб қолганлигини айтиб узр сўрадида, сўнг: "Кетдикми?" - деди. Биргалашиб синглимнинг уйига етиб келдик. Йўлакдан синглимнинг уйидан чиқаётган гапларни эшитиб укам, ўғлини қўлидан тутганча туриб қолди. - "Опа, бемаҳал келганга ўхшаймиз. Ўзингиз кириб кўриб чиқа қолинг", - деди. Уни турган жойида қолдириб ичкарига кирсам синглим менга ўшқира кетди.

- Ҳа, уйимга атайлаб ғурбат олиб келаяпсизми? Ана онангиз, олинг-да, чиқиб кетинг, - деди.

Қарасам онам йиғлаган, қизим бувисининг нарсаларини йиғиштириб олиб, "Юринг бувижон, уйимизга кетамиз" - деб турган экан. Кўзим куёвимга тушди. У менга қарата: "Шу ишни бекор қилибсиз. Бир оғиз сўрамай, нетмай уйимизга ҳар кимларни етаклаб келаверасизми"? - деди. Жудаям жаҳлим чиққан бўлса-да, ўзимни босдим. "Биз умуман бегона одамлар эканлигимизни, бизлардан осонгина воз кечишингиз мумкинлигини билмабман", - дедим. Сўнг изиллаб йиғлаб турган онамга юзланиб: "Юринг, онажон кетдик",-дедим. Онам синглимга: "Сенинг шунчалик тошбағирлигинги билмаган эканман. Мени онам дема, қайтиб ҳеч қачон уйингга келмайман. Охирги илтимосимни ҳам инобатга олмадинг-а", - дедилар. Унгача укам йўгуриб келиб онамнинг қўлтиқларидан олиб катта кўчага олиб чиқди. Онамни бизникига олиб келдик. Онам узоқ вақтгача кўз ёшларини тўхтата олмай ўтирдилар. Укам кетар пайтида синглимни айблаб, кўнглига олмаслигини илтимос қилдим. У эса - "Бир куни албатта яраштамиз, хафа бўлманг",- деб мени ва ўзини овутган бўлди. Шундан бери онам меникида. Синглим на қўнғироқ қилди, на келди. Она барибир она-да-ҳар куни унинг узр сўраб келишини кутаяптилар. «Мен онаман, бунга ҳеч ҳам чидай олмайман", - деб ҳар куни бир йиғлаб олади. Синглим онамнинг, қолаверса менинг ҳам опалик ҳурматимни қилиб ўзини тутиши, акаси олдига бир чойнак чой қўйиб, онамни кўриб кетишига имкон бериши мумкин эди-ку!

Ахир бу дунёда ҳаммамиз ҳам бир-биримизга ғаниматмиз-ку.

Аёлнинг кўнглини кўтарган бўлдим. У кетди. Аёлга маслаҳатларим кор қилдими-йўқми, билмайман. Бу воқеа иштирокчиларига сиз нима деб маслаҳат берган бўлардингиз, азиз Юртдошлар?

Лола АҲМЕДОВА

БОЛАМНИНГ СОВҒАСИ

Ишдан келаётиб маҳалламизда гаплашиб турган учтўртта аёллар билан сўраштим-да, мени кўриб ёнимга келган набирамга сумкаларимни бериб юбордим. Ўзим эса ёнимдаги аёллар даврасига қўшилдим.

- Хамманинг фарзанди омон бўлсин-да, ишқилиб. Бировники ундоқ, бировники бундоқ. Мен Хадича эгачимдан хафа эмасман, на чора, унинг феъли шундай. Лекин... Боламни хафа қилганиға чидай олмадим. Шу бир-иккита гап оғзимдан чиқиб кетди, - дерди Нафиса опа куйиниб. Бу аёл келин бўлиб тушибдики шу маҳалладагиларнинг жонига оро кирган. Қўли енгил ҳамшира эди. Жарроҳлик бўлимида ишларди. Маҳалламизда деярли ҳаммани укол қилган, у даволамаган одам қолмаганди ҳисоб. Нафиса опанинг катта ўғли қурилиш техникумини шу йил тугаллаганидан хабарим бор эди. Муқимжон амалиёт пайтида уйига яқин жойдаги қурилиш бошқармасида ишга қолганди.

Биринчи маоши ва йиғиб юрган пулини қўшиб онасига бежиримгина тилла узук совға қилибди.

Яқинда Хадича опанинг гиёҳванд бўлиб қолган ўғлининг феъли-атвори, тарбияси маҳаллада муҳокама қилинганда оқсоқол Нафиса опанинг болаларини алоҳида тилга олиб ўтди. Каттаси ишлайди, кичкинаси карате билан шуғулланади. Кенжаси ҳам мактабнинг аълочиларидан, қўшиқ айтишга қизи қади. Маҳалладаги байрамларда қўшиқлар куйлайди.

Инсонга, айниқса оналар учун болаларининг номига айтилган яхши сўзлардан ортиқ нима керак? Ич-ичидан хурсанд бўлиб ўтирган Нафиса опанинг ёнида қўшқўш тилла узуклар тақиб олиб, энсаси қотиб ўтирган Хадича эгачи Муқимжоннинг онасига тилла узук совға қилганини эшитганди. Бу Нафисанинг ягона тилла тақинчоғи эканлигини ҳам биларди. Шундай бўлса-да, ўша вақтда ҳаммага эшиттириб: - Нафисахон, кўлингиздаги манави узукни қайси "шара-бара"дан олгансиз? - дея мазах қилади.

- Боламнинг совғасини таҳқирлаганига сира чидай олмай бир-иккита гапириб юбордим, - дейди Нафиса опа.- Ахир ўзининг бирорта ўғли ишламайди. Уйланганини ҳам Хадича опа боқиб ўтирибди-ку.Гап совғада эмас, болам ҳалол меҳнат қилиб олиб келган бир бурда нони ҳам мен учун қадрли.

Мен улар билан хайрлашарканман, Нафиса опанинг сўзларига қўшилишдим, унга ҳавасим келди.

ГУЛБАШАКАР

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

БИР КУН ОТАНГ БЎЛАЙ, БИР КУН ОНАНГ БЎЛАЙ...

- 3 нафар қизим ва 2 ўғлим бор. Оллоҳ менга тўкис бахт ато этганди. Аммо, бир кам дунё деганлари рост экан, - дея чуқур уҳ тортди аёл.

- Эрим ишга кетаётганда лой бўлиб кетган йўлдан ўтаётиб машинасини бошқара олмай, ортидан келаётган юк машинасининг остига кириб кетибди...

Ўтган ҳафта қирқини ўтказдик. Ҳаёт давом этаверар экан. Эримнинг маъракаларини ўтказиб бўлгач, яна ишга тушиб кетдим. Ахир, қарамоғимдаги болаларимнинг келажаги энди менга боғлиқ-да. Ўзимни қўлга олишим, уларга бош бўлишим керак. Лекин, айриликдан эзилаётган қизларимни сира юпата олмаяпман...

- Раҳматли эрим жуда олижаноб эди. Ўқиш билан банд бўлиб кечроқ уйланганди. Ўзи шифокор бўлгани учун қизимнинг ҳам шифокор бўлишини истаганди. Дилором ўқишга кирган куни жуда хурсанд бўлиб кетганди.

- Сир бўлмаса, нима иш қиласиз?

- Бир ташкилотда бош ҳисобчи бўлиб ишлайман. Баъзан уйга ҳам иш олиб келиб, ярим тунгача ўтирардим. Ҳар қандай жисмоний ишга ҳам, кўнглингиз бутун бўлсагина ярар экансиз.

Бир неча кундирки қизим Дилором хонасидан чиқмайди. Йиғлагани-йиғлаган... Отасининг ўлимига сира-сира чидай олмаяпти... Нима қилишни билмайман. Бунинг устига имтиҳонларга тайёргарлик кўриш керак. Курсда қолиб кетмасайди, деб қўрқаман.

- Қизингизнинг йиғлашига фақат шу, отасининг соғинчи сабаб деб ўйлайсизми?

- Ҳар ҳолда шундай деб, ўйлаяпман. Тунов куни қарасам ёстиғининг остида "Оила ва жамият" газетаси турибди.

Унинг кўнглини топиш учун шу даргоҳингизга ёрдам сўраб келдим. Болам ёш-да, ўлим ҳақ эканлигини тушунишни истамаяпти... Уни ўйлаб кўзларимдан ёш ўрнига қонлар оқаётганини тушунса, дейман. Ўзим учун ҳам оиламнинг бош эгасини йўқотиш оғир.

Азадорлиги либосларидан кўриниб турган бу аёл билан анча суҳбатлашдик. Уни кузатгач, аёлнинг қизига айтгиси келаётган сўзларини қоғозга туширдим. Кўнглида ўтинчлари кўп экан... Мен эса айнан Дилоромга демоқчи бўлганлари билан мақоламни ниҳояладим.

"... Кўзимнинг нури қизгинам? Агар отанг ўлмаганида эди, кулгу ярашган юзларинг доимо кулиб турган бўларми-ди? Афсус... Ўзининг ўрнига сизларни менга ёдгор қилиб кетди отангиз... Мен бу ёдгорларни кўзимнинг қорачиғидек сақлашим зарур. Ундай қила олмаяпман, чоғи? Сенгинанинг аламли дилингга йўл топа олмаяпман-ку! Болагинам! Кўнглингдаги дардларингни менга айт. Йиқилсанг, тоғ бўлиб суяйин, йиғласанг қуёш бўлиб кўз ёшингни қуритайин. Илгари, отанг борлиги учун уй-рўзғорга, ишга берилгандим. Энди эса борим-у йўғим сизлар билан, бир кун отангиз бўлайин, бир кун онангиз бўлайин. Қалбим тўла меҳрни юрар йўлларингизга тўшайин болаларим!..."

БАСИРА

"Рашк туфайли" 24-сон 2004 йил

ЭСЛАТМА: Талъат Сурайёнинг асирасига айланганди. Сурайё эса оила қуришгандан сўнг бутунлай ўзгариб қолди. Талъатни ноўрин рашк қиларди. Эрини ишхонасига пойлаб бориб, шунақанги жанжал кўтардики, оқибатда Талъат юрагини чангаллаганча йиқилди ва қайтиб турмади.

Муаллифлар: З. ХУДОЁРОВ, Х. ҲАМРОЕВ.

АСАЛНИНГ КЎПИ ЗАҲАР

Аслида рашк қилиш керакми? Мен керак деб ҳисоблайман. Севган одам жуфтини хоҳлайдими хоҳламайдими бошқалардан қизғонади. Лекин унинг ҳақ-ҳуқуқини, эркини, қизиқишларини таҳқирлашга ҳакки йўқ.

"Табиатан хушбичим, хушрўй ва айни дамда дилкаш" Талъатдан Сурайёнинг кўнгли нимага тўлмади экан? Одатда кўнгил кўнгилдан сув ичади. Сурайёнинг кўнгли нега бунча қакроқ? Мақолада Талъатнинг юрак хасталигига чалинишига ва унинг фижеали ҳалок бўлишига Сурайё сабабчи қилиб кўрсатилади. Бу танганинг бир томони. Иккинчи томони эса дарпарда ортида қолган. Мен бу билан Талъатда ҳам айб бор, деб унинг руҳини чирқиратмоқчи эмасман. Лекин унинг шу пок кўнгли Сурайёдан қолган бўлса-чи? Сурайёга бефарқ қараган бўлса-чи? Бу Талъатнинг кўнгил хоҳиши. Уни зўрлашга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Шу жумладан рашкчи Сурайё ҳам унинг олдида ожиза. Бир танишим бор эди. Ишда ҳам, оилани бошқаришда ҳам ҳеч камчилиги йўқ. Лекин хотинига кўнгилсиз экан. Хотини кўча-кўйдаги аёллар у ёқда турсин, телеэкранда чиройлик аёллар пайдо бўлса, шарт ўрнидан туриб бошқа каналга оларкан. Демак, у шундай қилмаса боши тарс иккига ёрилиб кетади. Рашк эса охири ўз кучини кўрсатди. 13 йиллик яхшими ёмонми оила қўрғони қулади. 2 фарзанд ота меҳридан бебаҳра, она қўлида қолди. Бундай минг тугунли вазиятда кимни ҳам айблашга ожизсан киши.

Оиладаги тотувлик эшигини ҳам, уриш-жанжал эшигини ҳам тил очади. Кўнгиллар ўртасидаги елим ҳам, қилич ҳам тил. "Заҳарнинг ками асал, асалнинг кўпи заҳар," дейишади. Ширин рашксиз ҳаёт тузсиз ошга ўхшайди. Бир-биримизни қизғаниб, ардоқлаб яшаганга не етсин.

М.ТЕМИРОВА

СОҒИНЧИ БИЛАН ГЎЗАЛДИР ДУНЁ

Турмуш сўқмоқларида инсон ҳар хил синоатларга дуч келар экан-да. Мен Манзурахон билан Муроджоннинг бошидан кечган савдоларни ўқирканман, илк муҳаббат чиндан ҳам унутилмас туйғу эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Қишлоғимизда Ойсафар исмли бир қиз бор эди. У ниҳоятда гўзал ва ақлли эди. У Турсунбек исмли йигит билан ахду-паймон қилганди. Ойсафар тиббиёт билим юртини битириб келгач, ҳамшира бўлиб ишлай бошлади. Йигит эса армияда эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, қизнинг онаси оғир бетоб бўлиб, шифокорлар уни уйига қайтариб юборишади. Ойсафар эса онасининг кўпга бормаслигини тушунади. Шунда қариндошлар онаси тўйини кўриб кетсин, деб Бўривой исмли йигитга унаштириб, тўйга тайёргарликни ҳам бошлашади. Ночор қолган қиз эса йиғлаб-йиғлаб розилик беради. Унинг онаси титроқ қўлларини дуога очганича, яккаю ёлғиз боласига оқ фотиҳа беради. Яқинлари билан бироз ўтиргач, дам олгани уйга кириб қўрпачага чўзилади-да, астагина жон беради.

Буни шу ердаги Назира момо билан эридан бошқа ҳеч ким билмайди. Улар мурдани ичкариги уйга олиб кириб ётқизишади. Чоли икки боғ бедани ўриб келиб, мурдани яхшилаб ўраб қўйишади. Тўй ўтгандан сўнг эрталаб бу ҳақда ҳаммага хабар беришади. Шу билан Ойсафар келинликнинг биринчи кунидан мотам либосини кияди. Унинг турмушга чиққанини эшитган Турсунбек икки йилгача қишлоққа келмайди. Лекин ота-онаси уни олиб келишади. Ойсафар чақалоғини бағрига босганича кўчада келаётганида Турсунбек уни кўриб оёқлари остига тиз чўкади, йиғлайди. Ойсафар эса боласини қучганича тик қотиб тураверади.

- Мен сени севмаганман, Бўривойни севаман. Усиз яшай олмайман,- дейди. Ваҳоланки, агар онаси касал бўлиб, тўй тезлашмаганида Ойсафар Турсунбекни бир умр кутган бўларди.

Ойсафар муҳаббат соғинчида бошини деворларга уриб йиғлаганда, Бўривой унинг сочларидан судраб урган экан.

Орадан йиллар ўтиб, Турсунбек ҳам уйланди. Улар Ойсафар билан гаплашишмасди. Аммо, учрашганларида кўзлари порлаб кетганини кўпчилик сезарди. Иккиси ҳам бола-чақали бўлиб, тўнғичини узатишганда фожеа рўй берди. Ойсафарни машина уриб кетди. У оғир аҳволда ётганда касалхонага Турсунбек (анча кексайиб қолган) тонг саҳарда етиб борибди. Унинг каравоти пойига тиз чўкиб:

- Ойсафар, ўлмагин. Мени ташлаб кетмагин. Сенсиз яшаб нима қиламан! Майли, мен ўлай, мен кетай, сен қолгин,- дея фарёд чекибди. Ойсафар шу куни оламдан ўтди.

Турсунбек эса... Бир ойдан сўнг уйида, жимгина болалари билан ўтириб туриб жон берди. Ойсафарнинг қабри ёнига Турсунбекни дафн этишди. Гўрковнинг айтишича, Турсунбек умрининг сўнгги кунигача Ойсафарнинг қабрига келиб, тиловат қилиб кетаркан...

Мана кўрдингизми... Муроджон билан Манзуранинг муҳаббати ҳам ана шундай экан. Дунёда барибир шундай севгилар бор экан. Эҳтимол, кўҳна дунёнинг гўзаллигию, севги эртакларининг сеҳри шундандир. Муҳаббатни қўмсаб яшаш ҳам чиройлидир, бетакрордир. Мен "Ўша муҳаббат" ҳақида ўқиганимда ана шулар ҳақида ўйладим.

Ҳ.АСЛАНОВА,
Чилонзор тумани

"Ўша муҳаббат" - 20-24 сонлар.

ЭСЛАТМА: Муроджон холаси уйида ўсган етим бола. Манзуранинг мансабдор отаси уни куёв қилишдан ор қилиб, қизини Исмоилга узатди. Исмоил эса... фарзанд кўрмаслигини ҳаммадан, ҳатто, Манзурадан ҳам бир умр яширганди. Оқибатда эса... ҳашаматли ҳовли-жойлар, молу-дунё ичида Манзура бахтсиз яшади. Муроджон оилали, бахтли яшаса-да, Манзурани унутолмади.

Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ

Аксе-садо

ЛИБОСИНГИЗ ЎЗИНГИЗГА ЯРАШАДИМИ?

"Кийим ички чирой, дегани" 24-сон 2004 йил

ЭСЛАТМА: Мени хавотирга солаётгани - қизларимизнинг ниҳоятда тор шим ва қорнини ҳам ёпмайдиган майкаларда юришлари... Нопок нигоҳларнинг ўша очиқ жойларга, бўрттирилган вужудга қадалиши уларнинг соғлиғига, руҳиятига ҳам зарурлигини тушунтириш катталардан лозим эмасми?!

Муаллиф: Санобар ФАХРИДДИНОВА

...Эрталаб ишга борарканман атрофга назар ташлайман. Мендан тўрт-беш қадам наридаги бекатда тўхтаган автобусдан иккита қиз, хушчақчақ бир кайфиятда тушишди. Автобус жойидан қўзғалиб анча олислаб кетди ҳамки, бўйдоқ йигитлар ойнадан бош чиқариб "икки дугона" ортидан термулиб қолишди. Қизларни сочлари юзларига мос тарзда турмакланган, оёқларидаги туфли ҳам бежирим, айниқса қўйлаклари ўзларига ярашиб турарди. Бу чиройли манзарадан кўнглим равшан тортиб, хаёл суриб одимларканман, рўпарамда пайдо бўлган енгсиз майка, тор шим кийиб, сочларини ўстириб олган йигитни кўриб хушим бошимдан учди. "Чет эллик бўлса керак-да",-деган хаёлга боргандим, йигит:

- "Опа, алайская базарига қандай борсам бўлади",-деб сўради. Йигитга йўлни кўрсатиб ортидан унга ачиниб қараб қолдим. Турли хил ўй-хаёллар оғушида ишхонамга кириб бордим. Стулга ўтиришим билан телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим.

- Ёшим 31 да. Ҳанузгача турмушга чиқолганим йўқ, - гап бошлади қўнғироқ қилаётган Гулноза исмли қиз. - Бир йигитга кўнгил қўйгандим, афсуски мен билан турмуш қурмоқчи бўлган йигит учрашувга чиқишдан бош тортди.

-Бирор ҳаракатингиз ёқмаган бўлса керак-да?

- Биринчи бор учрашувга чиққанимда онамнинг гапларига қулоқ солмай, тор шим, калта футболка кийиб чиқандим. Кийинишим унга ёқмабди. "Ўзингиз яхши қизга ўхшайсиз-у, аммо кийинишингиз оиламизга тўғри келмайди. Акаларим, ота-онам олдида бундай юришингиз ярамайди",-деди йигит. "Ахир ҳозир ҳамма шунақа кийиняпти-ку, айбим замонавий қиз бўлганимми?" - дея йигитга дакки бердим. "Кечирасиз, унда бошқа йигитга турмушга чиқишингизга тўғри келади", - дея бўлажак куёв шарт бурилиб кетди. Куёвнинг онаси уйимизга қўнғироқ қилиб: "Қизингиз ўғлимга тўғри келмабди", - деб трубкани қўйиб қўйибди.

Гулноза сўзларини тугатиб бўлгач, унга тор шим, калта юбка кийиб юриш - "замонавий қизлар" қаторига қўшилиш, дегани эмас. Қалби гўзал, ички дунёси бой, уддабурон қизларга нисбатан "замонавий" сўзини ишлатиш мумкинлигини тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрдим. Фикрларим унга ёқмади шекилли, қиз хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, гўшакни қўйиб қўйди. Ҳа, майли, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Бахт топаман, деган киши ёмон одатларидан кечишни ҳам ўрганиши керак, дедим-у, бу воқеани унутиб юбордим.

Бир куни Амир Темур хиёбони-Қўйлиқ бозори бўйлаб қатновчи автобусга чиқдим. Ёнимга 60 ёшлар чамасидаги бир отахон келиб ўтирди. Бесаранжомлигидан кўнглига нимадир азоб бераётгани шундоққина билиниб турарди.

-"Замона зўрники, хато кўрники",-деб шунга айтишса керакда, қизим. Анави жувонни кийинишини қара. Ёшроқ бўлса ҳам майли. Бунақа тор кийимда бемалол юриш тугул нафас олиш ҳам қийин бўлса керак? - деб қолди отахон.

Беихтиёр жувонга кўз ташладим. Сочлари ярми қизил, ярми кўк рангга бўялган. Юз-кўзларига суртган рангларни бир-биридан ажратиб олиш қийин. Атрофдагиларни киноямуз қараб турганларини "ҳавас" белгиси деб қабул қилди чоғи аёл сочларини қўли билан силаб, ёйиб-ёйиб қўярди.

-Каталакдек ховлида тўққиз жон турамиз. Катта ўғлимнинг хотини жуда "модниса". Ўйда шёртик (калта шим) билан майка кийиб юришни яхши кўради. Кўни-қўшни, қариндошлар уйимизга келиб қолишса, роса уяламан. Хотиним ҳам, ўзим ҳам тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрдик. Аммо у: "Ойимникида шунақа кийиниб юришга ўрганганман, чидасаларинг чиданглар, бўлмаса алоҳида уй сотиб олиб беринглар", - деди. Иккала неварини олиб қолиб келинимни отасиникига жўнатиб юбордим. "Қачон алоҳида уй сотиб олсак, келарсиз, унгача майкаларингизни ойингизникида кийиб туринг", - дедим. Оналаримиз "модний" кийинишмаса ҳам бахтли бўлишган. Шунинг учун ўзбек аёлларини ҳалигача ҳурмат қилишади. Ишқилиб ёшларга инсоф берсин-да, дея отахон кейинги бекатда тушишга чоғланди.

Ҳурматли, дугонажонлар! Келинглар, ўзимизга яхшилаб эътибор берайлик. Кийган либосимиз ўзимизга ярашиб турсин. Йигитлар бизга қўлларини бигиз қилиб эмас, меҳр билан, оталаримиз эса бизга уят билан эмас, ҳавас билан боқишсин. Биз ўзимизни сирли нигоҳларимизу, майин табассумимиз, бежирим либосларимиз билан уларга фахр бағишлаб яшайлик.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Ҳурматли отажоним! Сизни касб байрамингиз билан чин юраклан табриклайман. Узоқ умр, соғлиқ тилаб қоламан.

Умр йўлдошингиз Иболат, фарзандларингиз Ҳулкар, Камолиддин, Гулчирой, Чаросбону.

Муҳтарама Саидахон ЖЎРАЕВА!

Таваллуд топган кунингиз билан чин юраклан табриклаб, Сизга энг юксак истакларни тилаймиз!

Ҳурмат билан дўстларингиз.

Муҳтарама Лола МУРОДОВА!

Табаррук 50 ёшингиз билан самимий қутлаймиз! Инсон ҳаётини ҳимоя қилишдек ишингизда барламлик тилаймиз.

Дўстларингиз номидан ОЙЗОДА.

Ҳурматли Раупхон ШАРИПОВ!

Таваллуд айёмингиз муборак! Сизга туганмас бойлик, узоқ умр, ишларингизда ривож тилаймиз

Дўстларингиз номидан ГИЁСИДДИН.

Алишер АБДУРАҲИМОВ! Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Бахтимизга соғ бўлишингизни тилаймиз.

Оила аъзоларингиз ва яқинларингиз.

Ҳурматли Рустам ака ОБИДОВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан табриклайман ва зафарлар тилайман!

Музаффар МУҲАММАДНАЗАР.

"Оила ва жамият" ижодкорлари!

Касб байрамингиз билан чин диллан муборакбод этаман.

Оилавий хотиржамлик ва ижодий зафарлар тилайман.

Шоира ХАСАНОВА,
129-алоқа бўлимининг бошлиғи.

ЭЪЛОНЛАР!

ОФИС МАРКЕТнинг 555 хил таклифномалари ва концелярия молларини кўришни хоҳласангиз, магазинимизга марҳамат қилинг.

МАНЗИЛ: Олой бозори, Каблукова кўчаси.
Тел: 136-76-60, 110-26-23.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази қизларни ва келинчакларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.

Ўқув муддати 2 ойлик курслар
- Бичиш-тикиш - "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш - Бисерлардан фойдаланиб тикиш - Бошланғич компьютер билимлари (Windows 2000) - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш - Сартарошлик - Косметология - Маникюр-Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси-Қандолатчилик-олий курс

Ўқув муддати 3 ойлик курслар
- Миллий кўрпа-кўрпачалар тикиш - Юмшоқ ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш.

Ўқув муддати 4 ойлик курслар
- Массаж ва уй ҳамширалиги - Бичиш-тикиш (бошловчилар учун) - Машинада гул тикиш (вишивка) - Инглиз тили. Ўзбек ва рус тилларида олиб борилади (амалиёти билан)

Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.
Манзил: "Халқлар дўстлиги" метроси. Фурқат кўчаси, 1 уй. Мўлжал: Республика спорт қўмитаси. Тадбиркорлар палатаси, 2 қават, 202 хона, 413 хона.
Телефон: 45-18-42, 98-07-78, 29-28-58, 65-76-78, 90-35-69

«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:
1.Тикиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт машғулотлари ўтилади. 3. Компьютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Якка тартибда, кафолатли. Бисер-2 ойлик. 4. Сартарошлик - 3 ой, амалиёти билан. 5. Тиббий массаж - 2 ой, амалиёти билан. 6. Торт ва турли пиширикла- 2 ой, олий курс - 1 ой. 7. Парда, чойшаблар. Элита усулида замонавий тикиш - 1 ой. 8. Сартарошлик (Эркаклар учун) - 2 ой. Каштачилик - (машинада вышивка) - 3 ой. 9. Инглиз тили - 3 ой. 10. Рус тили - 3 ой.
Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.
Хуллас, йигитлик ғурури менга қимматга тушди. Бошқа йигитларга: "Биродарлар, ажралишдан аввал ҳаммасини яхшилаб ўйланглар! Менга ўхшаб надомат чекиб юрманглар!" - дегим келади.

Б.
М.Улуғбек тумани

СИЗНИ СОҒИНДИМ, ОНАЖОН

Имтиҳондан олдин онамни кўриб келиш учун уйга бордим. Ҳамма ёқда пишиқчилик. Деҳқон билан боғбоннинг пичоғи мой устида. Дарвозадан киришим билан экинларга сув тараб юрган онам боласига талпинган мусичадай истиқболимга отилди. Юз-кўзларимдан тинимсиз ўпар экан, аҳволим, саломатлигимни сўрарди. Болалигимдан бери менга таниш онамнинг ҳиди димоғимга урилди. Юрагим алланечук энтикиб кетди. Болалигимда кўча чангитиб ўйнаб келиб, қоронғу тушиши билан онамнинг пинжига кириб, ана шу нафис ҳидларни туйганимни такрор-такрор эслайвераман. Ҳозир ҳам йўл азоби, гўр азобилигини унутгандай бўлдим.

Онамнинг елкамга томган кўз ёшлари кўйлагимдан сизиб ўтди. Ўғлимнинг дили оғримасин, деган ўйда жилмайишга ҳарчанд уринмасин, бўлмади, ёшлари шашқатор бўлиб қуйилиб келаверди. Бу - онамнинг севинч ёшлари эди. Мени яна бағрига босиб, узоқ вақтгача қўйиб юбормадилар. Энди-энди сезаяпман, йилдан-йилга жуссаси анча чўкиб, юзидаги ажинлари ҳам кўпайибди. Рўмоли четидан чиқиб қолган бир толим сочида саноқлигина қора толалар қолганиниям бугун пайқадим.

Агар шуларнинг бари мен туфайли бўлган бўлса, онам олдидаги қарзларимни қайтара оламанми, қурбим, умрим етадими? Вақт келиб кўз ёшларисиз ҳам суюнтира оламанми? Ёки... Чўчийман, ўйласам, чўчиб кетаман...

Онам дастурхон тузагунларича, синглимнинг суратини кўришга уйга кирдим. Деворда бир ёшга тўлиб-тўлмаган, ҳали ўзини танишга ҳам улгурмаган қизалоқ-синглимнинг суврати беғубор жилмайиб турибди. Бу суврат ўн тўққиз йил муқаддам туширилган. Ҳар сафар уни кўрганимда, тавба, деб ёқа ушлайман. Эҳтимол, фаришталар мана шундай қизалоқларнинг руҳидан пайдо бўлсалар керак?!

Токчада бахмал муқовали каттакон альбом бор. Унда оиламизнинг барча расмлари сақланади. Отамнинг ҳарбий хизматдан олиб келган сувратлари ҳам ўшанинг ичида. Отамдан менга шу сувратларгина эсдалик бўлиб қолган. Отам билан синглимни қандай йўқотиб қўйганимни ғубор ортидаги нарсани кўргандай энди-энди зўрға эслайман. Ўшанда онам синглим билан мени касалхонага олиб борди. Отам ўшаёқда экан. Отам мени, онам эса синглимни олиб ётди. Ўша йили қишлоғимизда вабо касаллиги тарқалган экан. Оқ халат кийган одамларни бир кунда ёмон кўриб қолгандим. Йиғлашимга ҳам қарамай игна санчиб кетишарди. Отамнинг касали оғирлашиб қолганидан сўнг, ўша оқ халатли одамлар бошқа хонага олиб кетишди. Мен онам билан қолдим.

Кунларнинг бирида бизга ҳар куни игна санчийдиган кишилар келиб синглимни олиб кетишди. Онам ҳам ораҳаларидан чиқиб кетди. Шу кундан бошлаб мени кенжа холам олиб ётадиган бўлди. Онам онда-сонда хабар олиб турарди. Мен синглим билан отамга қараётган бўлса керак, деб ўйлардим...

Соғайдим шекилли, онам келиб олиб кетди. Кетаётганимизда: "Отам билан синглимни кўриб кетайлик", - десам: "Юр ўғлим, улар уйда", - деганди онам ўпкаси тўлиб. Уйга борсам, ҳеч ким йўқ.

Уёққа кетишди, буёққа кетишди, деб мени анча вақтгача онам овутиб юрди. Отам билан синглимни соғиниб, онамга ҳархаша қилганимда, онам менга қўшилиб йиғларди. Онамни йиғлатмаслик учун кейинчалик уларни сўрамасликка қўникдим.

Ақлимни таниб, билсам, ўшанда уларни мангуга йўқотиб қўйиб, онам иккимиз яримта кўнгил, яримта оила бўлиб қолган эканмиз.

Чой устида онамдан ўртоқларимни сўрадим:

- Зайниддиннинг онаси оғир ётибди, - дедилар. - Кеча касалхонага олиб кетди.

Касалхона сўзини эшитиб, пешонамдан совуқ тер сизиб чиқди. Юрагим жимирлаб, кўзимнинг олди хиралашиб қолгандек бўлди. Онамга сездирмадим.

Кечга қадар ўртоқларимнинг деярли барчаси мени кўргани келишди. Фақат Зайниддинни кўрмадим, у шифохонада онасига қараб ётган экан.

Эртаси кун саҳарда йўлга чиқдим, онам яна бўйнимдан қучиб олиб, изиллаб йиғлаб юборди:

- Имконим бўлсайди, бир дақиқаям ажралмай ёнингда бўлардим...

Менинг ҳам юрагим тўлиб кетди, кўзимдан отилиб чиқмоқчи бўлган ёшларни ичимга ютдим. Онамнинг дилига қўша-қўша санчиқ қолдириб, ортга-ўқишга қайтдим. Имконим бўлганида онамни... Мунис онажонимни ўзим истамай зор қақшатиб кетармидим?! Дарвоқе, имконнинг йўқлиги ҳар қандай нарсани тескари айланишга мажбур қилар экан. Начора, ҳаёт шунақа яралган, унинг битилмаган қонунларига хоҳлаб-хоҳламай бўйсунамиз, измидан чиқмай, ортидан эргашиб кетаверамиз. Ахир, мен онамни соғинтириш эвазига ўқияпман-да.

Яқинда онамдан хат олдим, узундан-узун ёзилган хат эди: "Зайниддинга қийин бўлди", - деб ҳам ёзибдилар. Хат ёмғир томчиларида қолгандек у ер-бу ери бужмайиб қолибди. Бу ёмғир томчилари эмас, онамнинг кўз ёшлари. Демак, онам яна йиғлаган, мени соғиниб... Юраккинаси сел бўлиб йиғлаган. Мен ҳам сизни соғиндим онажон!

Комилжон ЁРИЕВ,
ЎзМУ талабаси

Дил изҳори

ТОПГАНИМДА ЙЎҚОТГАН БАХТИМ

Куз фасли эди. Мен мактабнинг 8-синф ўқувчисиман. Шу яқинда бир бола ишлар, бизни дарсдан қайтишимизни кутиб, доим менга қараб турарди. Мен эса унга аҳамият бермасдим. Бир куни дугонамдан менга хат бериб юборибди. Унда менга севги изҳор қилибди. Хатига жавоб қайтармадим. Аксинча уни камситиб, устидан кула бошладим. Шу зайлда кунлар ўтиб, йигит кўринмай қолди. Кейин билсам ишдан бўшаб кетган экан. Ўша пайтларда менинг юрагимда унга нисбатан меҳр уйғонганди, доим камситиб, устидан кулиб юрадиган одамимга боғланиб қолгандим. Уни соғинардим, ҳатто бир бора кўришга зор бўлиб қолдим. Ўзи тўғри айтишаркан: "Кимни хор қилсанг, ўшанга зор бўласан",- деб. Кун кетидан йил ўтди, бу борада мен бир ёшга улғайдим. Бир куни у билан тасодифан учрашиб қолдик. Ўзимни босишга қанча ҳаракат қилмай, юрагим дукиллаб урарди. Ўша пайтда, ўша лаҳзада мен дунёга сиғмасдим, жуда-жуда бахтли эдим. Шунда бир нарсага амин бўлдимки, уни чин қалбимдан севиб қолган эканман.

Мен фақат уни севардим, ундан бошқасини хаёлимга ҳам келтиролмасдим. Пинҳон-пинҳон учрашувлар билан мактабни битириб, олий ўқув юртига ўқишга ҳам кирдим. Шундан кейин у билан кўнгироқлашиб турдик.

Шу орада фақат 2 мартагина учрашдик. Ўшанда ҳам фақат ҳол-аҳвол сўрашардик, халос. Мен унга бутунлай ўрганиб қолгандим.

Кунлар ўтиб, у менга бошқа бир қизга уйланаётганини, лекин у мени ташлаб кетмаслигини айтиб, унга бахт тилашимни сўради. Мен унга бахт тиламадим ҳам. Чунки мен севган инсон кўз ўнгимда ўзга билан бахтли ҳаёт кечиришига чидолмасдим. Шу гаплардан сўнг, юрагим уришдан тўхтаб қолгандек эди. Ўша пайтларда мени ҳеч ким тушуна олмасди, сизларга буни таъриф-лаб беролмайман, чунки, мен усиз ўлишга ҳам тайёр эдим. Уни қанчалик севишимни, йўқотганимдан кейингина англадим. Мен шу пайтгача у бир кун қайтиб келишига ишониб яшадим. Мен кутган кун ҳам келди. У кўнгироқ қилиб уйланмаганини, мени синаш учунгина шу ёлғонни ўйлаб топганини, уни кечиришимни сўради. Мен кечирдим, чунки юрагим шуни буюрди. У яна кўнгироқ қилиб учрашувга таклиф этди. Биз учрашдик ва анча вақтгача суҳбатлашдик. Кейин у яна кўнгироқ қилишини айтиб хайрлашди.

Лекин шу вақтгача ундан дарак йўқ. Наҳотки, мен яна алданган бўлсам? Ёки у яна мени синаяптимикан? Ҳар қандай синовларга тайёрман. Фақат уни йўқотиб қўйишдан жуда-жуда қўрқаман.

М.
Тошкент шаҳри.

"Дил изҳори"нгизни ўқигандик

УНИ ЯНА ЙЎҚОТИШНИ ИСТАМАЙМАН

(1999 йил 11-сон)

Газетада берилиб бораётган ранг-баранг мақолалар мени ҳаяжонга солади, энтиктиради. Мен юрагимни 24 йилдан буён қамраб олган ишқ алангасини ёсам, кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўларман деб чўчидим. Яқинда ўқиб қолганим Хадиси шарифда шундай деб ёзилган экан: "Аллоҳ Таоло кимники бу дунёда севикли кишисидан ажратса, тортган азоблари эвазига дунёда жаннатга киритар экан. Ва яна Худо қайси бандасини севса ўзига бўлган севгини бирор киши орқали унинг юрагига солар экан". Бу гаплар менга далда берди. Мен Худога қатъий ишонувчан аёлман. Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар менинг суюкли китобларим. Шуларга ишонганим туфайли Худонинг ғазабидан қаттиқ қўрқаман.

Менинг юрагимга беғубор болалик чоғимда (12-13 яшарлигимда) ишқ олови тушган эди. Бу севги йиллар оша аланга олса оладики, сўнмайди. Ҳар кун, ҳар лаҳза қалбимда янги бир чаман очиб, унинг хуш исларидан мени бахраманд этади. Яшашга, эртанги кунни кутишга ундайди. Бу ишқ менга кўп балолар олиб келди. Шу ишқ оламни менга янаям чиройли қилиб кўрсатди. Рўзғоримда кўп нотинчликлар бўлса-да, ўша олисларда қолган севгим ёди билан уларни енгдим, унинг ёди билан юрагимга равшанлик солдим. Ваҳоланки, ўн йиллаб уни кўролмаган пайтим ҳам бўлди.

Нима бўлган эди, ўзи сенга, дерсиз? Менга кўп нарсалар бўлган эди.

Мен у йигитни (биз ҳали бола эдик-да!) шунчалар севиб қолган эдимки, эгатда ёнма-ён пахта терганимизда нафасим тўхтаб қолаётгандек бўларди. Оёғим у томонга тортиб кетаверарди. Сўзлашаётганимизда ҳаяжоннинг зўридан бўлса керак, оғзим қупқуруқ бўлиб, тилим оғзимда айланмай қоларди. Кўзимкўзига тушиб қолса, чақмоқдан-да зўр бир ўт юрагимни тешиб ўтгандай бўларди. Бу менга ҳузур бахш этиб, еттинчи осмонда юргандек бўлардим, оёғим ер босмасди. У бошқа болаларга ўхшамасди (балки менимча шундайдир). Жуда уятчан эди. Менга юз ёриб севгисини тузук-қуруқ айтолмади ҳам. Ўн йилдан ортиқ ошиқ-маъшуқ номини олсак-да, бир бор қўлимдан ушламади, бир бор бўса олмади мендан. Қизлик ғуруримни енгиб унинг туғилган кунини аниқлаб совғалар бердим. Армияга кетганида хайрлаша олмадик. Шундай бўлсада, манзилини топиб хат ёзиб турдим. У хизматдан қайтганида, мен институтнинг биринчи курсини битирган эдим, айни таътил пайти эди. Унинг қайтиб келганини эшитиб жонсарак бўлиб қолдим. Ундан бирон гап кутдим, гап ҳам келмади. Бир ҳафталардан кейин опасининг тўйи бўлиб ўтди. Онамнинг қаршилигига қарамай тўйга отландим. Дугоналарим билан тўйхонага кириб борарканман, кўзим ҳеч нарса кўрмай, қулоғим ҳеч нарсани эшитмай қолди. Бутун вужудим кўз бўлиб уни излайман: "Қани у? Мен ахир унинг уйига келдим. У эса йўқ!" Бир тўп қизлар четда бир-биримизнинг қўлимиздан ушлаб турардик. Шу пайт кимдир сочимни беозоргина тортди. Юрагимдаги шубҳа-гумонлар пардай тўзиб кетди. Ахир ким ҳам тортарди ундан бошқа! У мени севади. У мени унутмаган. Соғинч мени эзиб ташлаганди, шу дақиқани соатлар санаб кутган эдим. Мана у рўпарамда кулимсираб турибди. Тўлишиб, янаям чиройли бўлиб кетибди. Бир



қарадим-у, кўзимни ерга олдим. Зўрға "салом" дея олдим холос. Шу пайт унинг бағрига сингиб кетгим, йиғлаб-йиғлаб соғинганимни айтгим келди. Лекин бу нарсалар бизга ёт эди.

Тўй-ҳашамларга унчалик хушим йўқ. Лекин тўйларга фақат уни кўриб қолармиканман, деб борардим. Унинг ҳам учрашиш илинжида хилватроқ бир чеккага чиқиб турганини кўриб, қандай ёнига бориб қолганимни сезмай қолардим. У туфайли эшитадиган гапларим, маломатларимнинг сариқ чақалик аҳамияти қолмасди шу тобда. Унинг овозини эшитиш, суюкли чеҳрасини кўриш учун ҳар нарсага тайёр эдим.

Аммо шундай бўлишига қарамай, мен бошқа бировга турмушга чиқдим. Бу ишга қадам қўйишим қанчалар қийин бўлганини билсангиз эди. Кейинги икки йил мобайнида кўзимнинг ёши селдай оқди. Бир гал ишдан қайтаётганимда, уни кўриб кўз ёшимни тиёлмадим. Йиғлар эканман, телбаларча ундан кўз узолмасдим. Менинг бу ҳолатимдан у кўркиб: "Сенга нима бўлди, нега менга бундай қарайсан?" - деди. "Мен сизни кўзларимга жойлаб олмоқчиман", - дедим.

Кўз ёшларимнинг сабаби, мен бошқа бир йигитга (ошиқ йигитга) сезмаган ҳолатда ўпич бериб қўйгандим. Ахир мен энг покиза туйғуларимни, бутун вужудимни унга бағишлаган эдимку! Мен не деган қизман энди? Ўн йил давомида ҳатто қўлимни ушлашга-да, журъат этолмаган йигитнинг севгисига нолойиқман-ку! Аввалига кўрганда йиғладим. Кейин жеркиб ташлайдиган одат чиқардим. Бунинг сабабини у билолмай ҳайрон. Бир гал опаси мендан сабабини сўраганда: "Мен ёмон бўлганман", - дедим. Бу тўйим арафасидаги гап эди. Бир ҳафта олдин қишлоқда тўй бўлди. Мен опасига бориб (опаси бизнинг қўшнига келин бўлиб тушган): "Тўйга қандай бўлмасин борсин", - дедим. Мен уни бир умр яхши кўришимни, унутмаслигимни айтиш учун чақирдим. Мени унутмаслигини сўрамоқчи эдим. У 2-3 соат давомида менга нафрат билан тикилиб турди, қайтаётганимизда эса бизга эргашди.

Уйга яқин келганда: "Мен сени ҳеч қачон севмаганман, мени унут! Эшитаяпсанми? Яхши кўрмаганман сени!" - деди. Бу гапларни эшитиб юрагим бўм-бўш бўлиб қолди. Бутун борлиғимдан айрилган одамдай сўппайиб қолдим. Ўн йил давомида бир бор ҳам қўлимни ушламади, севмаганлиги учун шундай бўлган экан-да, деган фикр ярқ этиб миямдан ўтди ва: "Биламан, биламан яхши кўрмаганлигингизни", - дедим. Бу бизнинг охирги сўзларимиз бўлди. Уйга кириб, севгимга аза очдим. Икки кун муттасил йиғладим. Охири кўз ёшларим ҳам тугаб, бефарқ бўлиб қолдим. Тўйимни кута бошладим. Тезроқ тўйим бўлса-ю, мен бу ҳаётдан, ўшал дунёдан кетай. Таклифномалар ёза бошладим. Ажаб, шунча уринмай биринчи таклифномага ундан бошқанинг номини ёзолмадим. Ҳатто келин бўлиб кетарканман, уни яна бир бор кўришни истардим. Мен бошқа қизлардек ясанмадим. Бу менинг ҳаётимдаги энг охирги кундек кийдирган нарсалари билан ишим ҳам бўлмади. Даврага чиқарканман, кўзларим яна уни изларди, келдимикан? У келган эди! У бошдан-оёқ қора кийимда эди. Мен уни илгари ҳеч қачон қора кийимда кўрмаган эдим. Унинг кўйлаги қора, меники оппоқ,... Менинг юрагимда ҳам мотам бўлаётганини биларми-кан? У тўйда кўп ўтиролмади. Икки соатлардан кейин кетиб қолди.

Мен узоққа келин бўлиб тушдим. Уни унутишга кўп ҳаракат қилдим. Ахир мен бир оила бекасиман энди. Ё раббим, уни унутолмадим. У менинг юрагимга шунчалар кириб олган эканки, уни унутиш учун мен онамдан янгидан туғилишим керак эди. Мен аввалларида тўйларга у учун борадиган бўлсам, энди қизлик уйимга ота-онамдан ҳам кўра унинг учун, уни соғиниб борадиган бўлдим. Ҳар борганимда опасининг уйига кираман. Ҳар кимнинг оғзига анграяман, у ҳақда бирон гап эшитаманми, деб.

Йиллар ўтиб, икки фарзандли бўлдим. Бир гал опасининг уйига кирганимда, келиб қолса бўладими?! Бу тасодифий ҳолат иккимизни-да титроққа солди. Шунда унинг тўйига бир ҳафта қолган экан. "Қачонки, икки фарзандли бўласан, кейин уйланаман!" - деганди у. Унинг қанчалик ориятли, лафзи ҳалол йигит эканлигини кўрдим. Кейинчалик у менга: "Сени икки болали бўлишингни кутдим", - деди. Ана сизга садоқат!

У яна айтгандики: "Сен барибир бир кун қайтиб келасан, кўнглинг у йигитга мойил бўлган бўлса, бу сендаги вақтинча ҳолат. Чунки сенинг юрагингда мендан бошқага ўрин йўқлигини яхши биламан"...

Сен қайтиб бордингми, дерсиз? Ҳа бордим. Унинг тўйидан 8 йил ўтгач бордим. Бу орада уни ҳатто тушимда ҳам кўролмадим. Энди менинг ягона орзуим уни бир кўриш бўлиб қолди. Кўрармиканман уни? Мен унинг кўзларини жуда соғиндим. Менга тикилганда қора, қизил, сариқ учқунлар сочарди. Унинг кўзлари ва бу ўт менинг вужудимни ёндирарди. Мен унинг кўзларининг асири бўлиб қолгандим. Йиллар ўтган сари уни кўпроқ қўмсайвердим. Уни кўришдан бутунлай умидим узилди.

Ахир энди унда ҳам учта фарзанд бор. Ўзи ҳам бирон марта мени кўришга интилмади. Ҳамма йўллар берк. Мен энди қачон бўлмасин, бу дунёдан кетар чоғимда уни чақиртираман, бир сўз демай кўзларига тикилиб жон бераман, деб кўнглимга ҳам тугиб қўйдим.

Иттифоқо, бир бахтли ва бир бахтсиз кунда унинг уйига кириб бордим. Отамнинг уйига борарканман, оёғим у ёққа тортаверди. Охири истак ғолиб келди. Хотини бўлиб ўтган гаплардан воқиф бўлса-да, мени яхши кутиб олди. У уйда йўқ, қўшниникида экан. Чақиртиришди. Шундай бўлгани яхши бўлди, ўзимни бироз босиб олдим. Юрагим бўғзимга тиқилиб, уни кута бошладим. Онаси нималарнидир гапирарди, лекин қулоғимга ҳеч гап кирмасди. "У қандай бўлган экан? Ахир 35га кираяпти! Ўзгариб эркак киёфасига киргандир? Ё Оллоҳ,... Эшик очилди... Остонада 24 йилдан буён вужудимга кириб олиб яшаётган севикли йигит турарди. Кўзлар бир зум тўқнашди. Мени ўн бир йил тарк этган баҳор (турмушимга ўн бир йил бўлганди) яна юрагимга кириб келди. Мен уни Худодан қандай сўраган бўлсам, шундай тутқазди. Ўша қад, ўша қомат, ўша оташ кўзлар... Зумда оила, бола деган гаплар ўз аҳамиятини йўқотиб, ёш қизга айланиб қолдим. Унинг бағрига кириб эркалангим келди.

Шу-шу бир фурсат суҳбатлашган бўлдик. У ҳам мени унутмаганини, менинг хаёлим билан яшашини айтди. Мен унга ишондим. Унинг кўзлари менга ёлғон сўзламайди. Умр ўтказиш мен учун оддий бир тирикчиликка айланиб қолган эди. Яшашга иштиёқ туғилди менда. Уни кўрсам вужудим яйраб кетади, қаҳ-қаҳ уриб кулаверараман. Оламда мен ва ундан бошқа ҳеч ким қолмайди шу дамда. Бу қанчалик қалтис ҳолат бўлмасин, мен уни яна йўқотишни истамайман. Менинг қалбимни забт этган бу севги ана шундай шоирона, илоҳий бир ишқ. Бу ишқ майидан сал кам чорак аср сархушман. Бир умр ундан ҳалос бўлолмаслигимга амин бўлдим охир-оқибат. Тонгла махшарда яратган Эгам билан рўпара бўлганимда менинг юрагимга солган бу гўзал, тотли, оромбахш туйғу учун унга ташаккур изҳор этаман.

Ҳурматли таҳририят!

Менинг мактубимни тўлалигича чиқаришларингизни сўрайман. Бизни боғлаб турган севги ҳеч қандай таъмасиз, беғубор севги. У менга шунча йил бадалида ҳатто темирдан ясалган узук ҳам совга қилмаган. Қани ҳурматли газетхонлар, бу севгига қандай қарашаркин? Исмимни тўлиқ ёзолмайман. Ахир оилам, болаларим бор.

Сизларга эҳтиром билан, бухоролик...

М.

Таҳририятдан: ***Азизлар! Бу дил изҳорини чоп этганимизга сал кам 5 йил бўлди.***

Ҳозир М. қандай кечмишларни бошидан кечираётган экан? Фарзандлари ҳам катта бўлиб қолишгандир. Унинг дил изҳори чоп этилгандан кейин таҳририятимизга кўплаб акс-садо келганди. М.га юртдошларимиз фикрларини билдириб, маслаҳатлар беришди. У ўзига қандай хулоса чиқариб олди экан? М.нинг тақдиридаги янгиликлар, қалбидаги ўзгаришлар биз каби кўп минг сонли мухлисларимизни ҳам қизиқтираётган бўлса ажабмас.

Ҳурматли М! ***Овоз беринг, қайдасиз? Газетамизни ҳали ҳам ўқиб турибсизми? Муҳаббатингиз олови оз бўлса-да пасайдими? Бугунги кундаги ёшингизда севги-муҳаббатга қарашингиз ўзгардими? Ҳозир қандай ҳаёт кечираяпсиз? Мактубингизни кутиб қоламиз.***

ХУШ ТАЪМЛИ, ФОЙДАЛИ НЕЪМАТ

Ёз кунлари қайси ҳовлига кириб борманг, кўзингиз полиз экинларининг бир чеккасида кўм-кўк бўлиб, яшнаб ўсиб турган кўкатларга тушади. Улар орасида жимжимадор ёки жингалак баргли петрушкани ҳам албатта кўрасиз.

Петрушка - ўзининг чиройлик барглари, нафис ва хушбўй ҳиди билан ҳар қандай таомни янада хуштаъм қилишини кўпчилик билади.

Петрушканинг уруғи, барглари ва томири бирдек фойдалидир. Барглари С витаминига ниҳоятда бой бўлиб, бу витамин ўз навбатида темир моддасини инсон танасига сингишини таъминлайди.

Томири ва уруғи, шунингдек барглари B_1, B_2, PP, А витаминлари, каротин, фолиев кислотасига ниҳоятда бой. Таркибида яна углеводлар, қанд, пектин, ҳар хил фойдали тузлар, темир, магний, кальций, фосфор каби моддалар бор. Айниқса калий моддасининг кўплиги билан ҳар қандай полиз экинидан устун туради.

ДОРИВОР СИФАТИДА ҚУЙИДАГИЧА ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Петрушка таркибидаги витаминлар ва моддалар жуда фаолдир.

Унинг қайнатмаси эркак ва аёлда бирдек жинсий куч-қувватни ошириш хусусиятига эга. Шунинг учун шифокорлар ҳолсизликдан шикоят қилувчи беморларга кўпроқ петрушка истеъмол қилишни ёки қайнатмасидан фойдаланишни тавсия этадилар.

Қайнатма қуйидагича тайёрланади: 1 литр қайноқ сувга барги ва томирлари билан қўшиб тўғралган 2,5 стакан петрушка солиниб 40 дақиқа дамлаб қўйилади. Сўнгра шарбати докадан ўтказилиб, 0,5 литрдан ичилади.

Петрушкадан жигар хасталигида ва пешоб ҳайдовчи сифатида қуйидагича фойдаланиш мумкин: 800 гр. петрушканинг кўк қисми майдаланиб эмалланган идишга солиниб, устидан табиий сут қуйилади. Паст оловда ёки духовкада миқдори 2 марта камайгунча қайнатилади. Тайёр бўлган бўтқа совугач 1-2 ош қошиқдан ҳар соатда истеъмол қилинади.

Ошқозон-ичак хасталиги ва қорин дамлаганда: петрушканинг 20 гр. уруғига 200 гр. совуқ сув солинади. 30 дақиқа паст оловда қайнатилади. Совитилгач, кунига 3 марта 1 ош қошиқдан овқатдан олдин ичилади. Бу қайнатма ошқозон ичак фаолиятини яхшилаб, кислород билан таъминлайди. Айниқса ошқозон ости бези фаолиятини яхшилаб, қон айланиш фаолиятини фаоллаштиради.

Темир моддаси етишмаслиги билан боғлиқ камқонликда петрушка шарбатига узум шарбатини қўшиб ичиш тавсия этилади.

Петрушка қайнатмаси кўриш қобилиятини яхшилайди. Малҳам қуйидагича тайёрланади: 1 ош қошиқ кўкатга 200 гр. қайноқ сув солиниб, паст оловда 30-40 дақиқа қайнатилади. Совутилиб, докадан ўтказилганидан сўнг кунига овқатдан олдин 2 ош қошиқдан 3-4 марта ичилади.

Лат еган жойга петрушка барглари майдалаб босилса оғриғи босилиб, кун давомида кўкарган излари йўқолиб кетади.

Ари, асалари, пашша ва бошқа ҳашаротлар чаққан жойга петрушка барглларини эзиб, сувидан суркалса тезда заҳрини олади.

МАХСУС МАЪЛУМОТ

Петрушка шарбати - жуда кучли таъсир кўрсатувчи моддалардан биридир. Шунинг учун уни кўпи билан 2-4 ош қошиқдан ортиқ ичиш тавсия этилмайди. Сабаби петрушка қон айланиш фаолиятига актив таъсир кўрсатади. Айниқса аёлларда бачадонни қисқартириш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳомиладор аёлларга петрушка шарбатини ичиш тавсия этилмайди. Акс ҳолда ҳомиланинг тушишига ёки вақтидан олдин туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек буйрак хасталиклари бор инсонлар ҳам унинг шарбатидан ўйлаб фойдаланишлари лозим. Акс ҳолда хасталикни кучайтириши мумкин.

Л. АҲМЕДОВА тайёрлади

ГИЁҲЛАРДАН ДАМЛАНГАН ЧОЙЛАР

ЧАНҚОҚНИ БОСАДИ, ВУЖУДНИ ТЕТИКЛАШТИРАДИ

Ёзнинг ҳароратли кунларида чанқовбосди ичимликларга бўлган талаб кескин ортади. Ўзимизда мавжуд бўлган гуллардан, гиёҳлардан ва зираворлардан ниҳоятда хушбўй, мазали ва шифобахш чанқовбосди ичимликлар тайёрласа бўлади. Ибн Сино шундай деган: **Ким қаерда туғилиб, воя етган бўлса, унга ўша жойнинг гиёҳи самарали таъсир қилади.** Бу жуда оддий ҳақиқатдир. Чунки бизнинг иқлим шароитимизда мевалар ҳам, сабзавотлар ҳам, гиёҳлар ҳам қуёш нурига тўйинган. Шу боисдан улардан тайёрланган ўзимизнинг миллий чанқовбосди ичимликларимиз, бизга чет эллардан кириб келган ва чиройли идишларга қадоқланган ичимликларга нисбатан юз карра арзон ва юз карра шифобахшдир.

Агар сиз гиёҳлардан тайёрланган чойларни мунтазам ичиб борсангиз, ҳам чанқоғингизни босасиз, ҳам шифо топасиз. Дорихоналарга боришга эса эҳтиёж қолмайди. Шифобахш дамламалар ёрдамида қонингиз тозаланиб, юздаги бўртмачаклар ҳам йўқолиб кетади.

Гиёҳлардан дамланган чойнинг яна бир афзал томони шундаки, уни истеъмол қилган кишининг руҳияти тетик ва ўзини бардам ҳис қилади.

БЕҒУБОР ГИЁҲЛАР ДАМЛАМАСИ

Нима учун олдинлари одамларда қон босимининг ошиши жуда кам кузатилган? Чунки, аждодларимиз табиатнинг ўзи яратган гиёҳлардан хушбўй дамламалар тайёрлаб, истеъмол қилишга эътибор билан қараганлар. Жумладан, далачой ва лимонўтдан тайёрланган омухта ичимликнинг чанқоқни босишдаги ва қон босимини мўътадиллаштиришдаги аҳамияти юқори қадрланган.

Ҳар икки гиёҳнинг аралашмаси шарақлаб қайнаётган сувга солиниб, идишнинг қопқоғи беркитиб қўйилади. Агар хоҳиш бўлса, юқоридаги гиёҳлар устидан беш-олти дона ўрик қоқиси солиниб ва янтоқнинг гулидан бир чимдим қўшиб юборилса, бундай дамламанинг ҳиди жуда хушбўй, кўриниши эса тиниқ пуштиранг бўлади. Янтоқнинг гули жуда майда бўлишига қарамай, унда ташналикни босувчи, иштаҳани қўзғовчи хусусият мавжуд.

Лимонўт бадандаги ҳароратни олиб, қон босимини пасайтиради. Шунингдек, сийдик ҳайдаш хусусиятига ҳам эга. Лимонўт далачой билан аралашганда, бир-бирининг хушбўйлигини ошириб, шифобахшлилик даражаси ҳам юқори бўлади. Бундай дамламани совутгичда сақлаб, ҳар куни истеъмол қилса бўлаверади. Далачойда кайфиятни кўтарувчи, фикрни тиниқлаштирувчи, баданни терлатувчи хусусият ҳам бор. Бундай дамлама диққинафасликни тамоман ёзиб юборади. Ўрик қоқиси эса доривор гиёҳлар тезроқ қонга ўтишини таъминлайди ва ичимликка ажойиб таъм беради.

НАЪМАТАКЛИ ЧОЙ

Наъматакли чой шамоллашга қарши энг яхши шифодир. Бундай чойни дамлаш жуда оддий. Наъматакни сувга солиб беш дақиқа қайнатилса кифоя. Уни тиндириб қўйилгач, асал билан ичилса, баданни терлатади ва зарарли хилтларни, сафрони ҳайдайди.

Бундай ичимлик чанқоқни босишда ҳам бебаҳодир. Наъматакли чойга озгина зирк ва ялпиз баргидан қўшиб юборилса, унинг тетиклаштирувчи хусусияти ортади. Олдинлари бундай ичимликка нордон гилоснинг шарбати ҳам қўшиб юборилган. Шарбат қўшилган наъматакли чой зеҳнни ўткирлаштириш билан бир қаторда вужудга ором беради ва танада ҳеч қандай асорат қолдирмайди.

РАЙҲОН ЧОЙ

Райҳон хушбўйлиги билан бебаҳо гиёҳдир. Ундан чой дамлаш, чанқовбосди ичимлик тайёрлаш бениҳоя фойдалидир.

Бунинг учун райҳоннинг қуритилган талқони бўлса кифоя. Сувни шарақлатиб қайнатиб (очиқ ҳавода бўлса, янаям яхши), устига райҳон талқонидан бир ҳовуч ташлайсиз. Момоларимиз бундай дамлама устига чаканда (облепиха) шарбатидан ёки унинг мевасидан қўшиб юборишган. Қадимий китобларда райҳонли чойни етти қўшни билан бирга ич, дейилади. Сабаби, бундай чой вужудни яйратиб, кайфиятни кўтаради.

Чаканда қўшилган райҳончой болалар учун айниқса фойдалидир. Бу чой болаларнинг баданига жуда осон сингиб, ўзидаги шифобахшлик хусусиятларини танага ўтказади. Бундай чойни дамлаб, совутиб қўйилса, уни кун бўйи истеъмол қилса бўлаверади.

Райҳончой меъда-ичак фаолиятини яхшилаб, вужудни ором олдиради. Шунингдек, райҳончой мияга ўрнашиб қолган шубҳа-гумонларни ҳайдайди, одам бағрини, тафаккурини кенгайтиради, инжиқлик ва майдакашлик қусуридан халос этади.

Райҳончой дамламаси мускулларнинг ривожига ижобий таъсир этиб, болаларнинг бўйини ўстиришга ҳам хизмат қилади. Иложи бўлса бундай чойни ҳар куни шакар ёки асал билан аралаштириб, ичиб туриш маъқулдир.

ТАНГА ДАВО ГУЛЧОЙ

Атиргул япроқларини асло ташлаб юборманг. Улардан шифобахш гулчой дамласангиз бўлади. Гулчой дамлаш бизда азалий удум бўлган. Бунинг учун атиргулнинг қуритилган ёки яшил япроқлари керак бўлади. Хўш, олдинлари гулчой қандай тайёрланган?

Гулчой дамлаш учун одатда булоқ ёки дарё сувидан фойдаланилган. Олов ёқиб, қумғонда қайнатилган сувга бир ҳовуч атиргул япроғи ташланиб, қумғон дарҳол оловдан олинган. Сўнгра унга бир ҳовуч олча қоқи ташланиб, қумғонни оловга яқинроқ жойга сурилиб, дам едириш учун қўйилган.

Бундай гулчойни иссиқ ҳолатда ҳам, яхна ҳолатда ҳам ичса бўлаверади ва ҳар икки ҳолатда чанқоқни жуда яхши босади. Гулчой танада модда алмашинувини мўътадиллаштириш хусусиятига эга ва юрак учун энг яхши дармондир.

Олича аралаштирилган гулчой қонни тозалаб, баданнинг иссиққа чидамлилигини оширади. Ичакларда ҳеч қандай асорат қолдирмайди. Олимларнинг фикрига қараганда, гулчой сочни барвақт оқарувидан ҳам сақлайди. Уни ҳар бир оилада тайёрлаб, истаганча истеъмол қилса бўлаверади. Унга озгина асал ёки шакар қўшса ҳам бўлади.

Гулчойнинг яна бир шифобахшлик томони шундаки, у туфайли одам чеҳраси тиниқлашади ва мия фаолияти яхшиланади. Гулчой ғазабланишдан ҳам сақлайди. У шамоллаган кишилар учун айниқса фойдалидир. Иссиқ гулчой бадандаги хилтларни ҳайдаб, руҳиятни тетиклаштиради.

К. НИШОНОВ тайёрлади

ПАЗАНДАЛИК СИРЛАРИ

СУТЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ ВА ИШЛАТИШ

Янги соғилган сутни қоронғи жойда сақлаш керак, чунки сут ёруғликда А ва Б дармондориларини йўқотиб, тез ачийди.

* * *

Сутга шакар (1 литр сутга 1 чой қошиқ) ёки сода (1 литр сутга бир чимдим) қўшиб қайнатилса, сут ўз дармондориларини яхши сақлайди ва узоқ муддат ачимай туради.

* * *

Агар қайнаган сутда кўпик пайдо бўлмасин десангиз, уни қайнатиш жараёнида аралаштириб туриш керак. Сўнг тезда совутиш лозим.

* * *

Қайнаётган сут куймасин десангиз, унга бир чақмоқ қанд ташлаш кифоя.

* * *

Идишни ишлатишдан олдин сувда чайиб юборсангиз, сут тагига олмайди.

Сариёғ ва маргаринни тиниқ (кўринадиган) идишга солиш ярамайди, чунки нурнинг таъсирида шўрланиб, устки қисми оқиш тус олиб чўчқа ёғига ўхшаш ҳид таратади.

* * *

Ёғ ва ёғли маҳсулотларни полиэтилен идишларда сақлаш мумкин эмас. Чунки улар тез бузилиб, ёқимсиз ҳид касб этади.

* * *

Ачиган сариёғни ҳамда ёғни овқатга ишлатиш мумкин. Бунинг учун ёғни чой содаси қўшилган қайнаган сувга қўшиб аралаштирилади. Ҳосил бўлган бўтқа совугач, суви тўкилади. Бу операция икки-уч маротаба такрорланади.

* * *

Ёғ ҳамда мойдан тахир таъмни йўқотиш учун унга тўғралган пиёз ёки бир бўлакча нон қўшиб ишлатилади. Картошка бўлакчаларини қўлласа ҳам бўлади.

* * *

Ҳозиргина музлатгичдан олинган сариёғни нонга суриш учун пичоқни бир неча дақиқа қайнаган сувда тутмоқ лозим.

* * *

Қовурилган ёғ қолдиғини яна ишлатиш учун ёғ тиндирилади ва унга бир неча томчи лимон шарбати қўшилади.

* * *

Сариёғ қовурилаётганда қорайиб кетмаслиги учун қизитилган товани ўсимлик мойи билан артиш керак.

* * *

Эритилган ёғдан тахир таъмни йўқотиш учун унинг ичига бир неча кун сабзи ташлаб қўйинг.

* * *

Сузма ва оқ пишлоқни яхши ҳолатда сақлаш учун уни шўр сувга ҳўлланган латта билан ўраш керак.

* * *

Пишлоқ, сузма, оқ пишлоқ сирланган идишда сақланади. Унга 3-4 бўлак қанд солингач, қопқоғи ёпилган ҳолатда салқин жойга қўйилади.

* * *

Айрим маҳсулотлар (сариёғ, маргарин, қийма ва ҳ.к) ўралган қоғозига маҳкам ёпишиб қолади. Агар қоғозга ўралган маҳсулот оқаётган сувга тутилса, қоғози осонгина кўчади.

* * *

Суви қочган пишлоқни юмшатиш учун уни сут билан ҳўлланган салфеткага ўраб қуймоқ керак.

* * *

Қуриб қолган пишлоқни 2 кун қатиқ ичига солиб қўйилса у яна янгича маза касб этади.

* * *

Тилим-тилим кесилган пишлоқни бир соатдан кўпроқ очиқ ҳолатда сақламанг, акс ҳолда у қуришиб ўз асл мазасини йўқотади.

* * *

Пишлоқни қайноқ сувда иситилган пичоқ билан кесиш керак

* * *

Бринза ўзига хос таъмини сақлаб қолиши учун уни бир-икки кун совуқ сувга солиб қўйиш керак.

* * *

Оқ пишлоқ нордон бўлмасин десангиз, уни сут билан аралаштириб бир соат давомида тиндириб қўйинг, сўнгра докага солиб сутини сиқиб чиқаринг.

* * *

ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

Гўштни уй ҳароратидаги сувда ювиш тавсия қилинади, аммо сувда қолиб кетмаслиги керак.

* * *

Гўштни овқат қилишдан олдин ювиб қўймаслик керак, акс ҳолда гўшт тез бузилади.

* * *

Музлаган гўштни эритиш учун уни совуқ сувда ювиб, тоза идишга солинади, сўнгра қопқоқ билан ёпилади.

* * *

Майдаланган гўштни бир неча кун сақлаш учун сирка аралашган сувда ҳўлланган сочиққа ўраб, елвизак жойга осиб қўйилади.

* * *

Гўштни музхонасиз узоқ сақлаш мумкин, бунинг учун қичитқи (крапива) ўт барглари билан аралаштириб ҳўлланган сочиққа ўраб қўйилади.

* * *

Лимон шарбати билан ювилган ёки ҳўлланган гўшт иссиқ кунда ҳам янгидек тураверади.

* * *

Гўштни икки кун давомида яхши асраш учун унинг устидан хом сут ёки шўртанг қайноқ сув қуйиш ва уни салқин жойда сақлаш керак.

* * *

Оз миқдордаги ёғда қовурилган тузли гўшт бир неча кун янгидай бўлиб тураверади.

* * *

Гўштни бир неча кунга ўз аслича сақлаш учун қуригунча артиш, эритилган янги ёғ суртиш ва пергамент қоғозга ўраб салқин жойга осиб қўйиш лозим.

* * *

Агар гўштга туз ёки шакар сепиб қўйилса, узоқ вақт туради.

* * *

Гўштни узоқ муддатга асраш учун, унга қаймоғи олинган сут қуйиб, куннинг охирида эса уни тўкиб бошқаси қуйилади. Қолган кунларда бу ҳолат бир кунда бир марта такрорланади.

* * *

Дудланган (сон гўшти, тўш гўшти, дудланган колбаса ва ҳ.к.)ни шамол эсиб турадиган қуруқ жойда 4-8 даражали ҳароратда сақлаш лозим.

* * *

ТУРЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Нўхатнинг ўзини алоҳида пиширганда сувни идишдаги нўхат билан баравар қилиб қўйиш керак ва пишириш пайтида уни ҳеч кавламаслик зарур, акс ҳолда нўхат эзилиб кетади.

* * *

Кечагидан қолган паловни иситмоқчи бўлсангиз, гуруч эзилиб кетмаслиги учун қозонга озгина - ярим пиёла қора чой қуйиб юборинг.

* * *

Қайнатма шўрвага, қовурмага ва шунга ўхшаш овқатларга сабзавотларни йирик ҳолда солинг, акс ҳолда дармон-дорилари йўқолади ва овқат бўтқалашади.

* * *

Дуккакли донлар (ловия, нўхат, мош кабилар)ни иссиқ сувда ивитманг, улар таркибидаги оқсил қотиб қолади. Дуккаклиларни пиширишда совуқ сувга солинади ва паст оловда қайнатилади.

* * *

Пўсти дарз кетган тухумни тузли сувга солиб пиширсангиз, ёрилиб кетмайди.

* * *

Дастурхонда ортган нон озми, кўпми, бундан қатъий назар, уни тўғраб офтобда ёки духовкада қуритиб, халтачаларга солиб қўйилиши керак. Чунки нонинг суви яхши қочмаган ёки бошқа намни тортиб олган бўлса, бир кунда моғорлайди, пўпанак босади. Қаттиқ нонда эса бундай микроорганизмлар ривожлана олмайди. Беш стакан нон талқонга бир стакан шакар аралаштириб, сут билан дастурхонга тортсангиз, яхшигина нонушта бўлади.

* * *

Қозонга сабзи, шолғом, пиёз ва гўшт солиб паст оловда қайнатиб қўйсангиз, вақтингиз анча тежалади. Сабзавотларнинг мазаси ва гўштдаги ёғ аралашиб, яхшигина қайнатма шўрва ҳосил бўлади. Чиниларга сузгач, қаттиқ нон солсангиз, у бўртиб, хушхўрлиги ортади, тўқ тутар овқат бўлади.

* * *

Ҳаддан ташқари серёғ бўлиб кетган паловга гуруч солишдан олдин бир нечта картошкани арчиб солсангиз, ёғини тортиб олади.

* * *

Тухумни тузлаб узоқ вақт сақлаш мумкин. Бунинг учун тузланадиган тухумлар чўтка ёрдамида яхшилаб ювилади. Шунда сиртидаги ифлослар кетиб, майда тешиклар орқали ичига микроб кириб қолиши хавфи йўқолади. Шундан сўнг тухумлар сирланган кострюлка ёки пақир (челак)га териб чиқилади-да, устидан совуқ намакоб қуйилади. 1 литр қайноқ сувда 300 гр. туз эритилган намакоб хона ҳароратида совутилади. Бундай тухумни истеъмол қилинганда туз ишлатмаса ҳам бўлади.

* * *

Ийлаб кўпиртирилган тухум оқига жиддаккина туз ташланса, у тез кўпиради ва кўпик турғун бўлади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ ва МАДИНАБОНУ тайёрлашди.

МЎЪЖИЗАКОР ТОВУҚ

ГЎШТЛИ ЁНҒОҚЧАЛАР

Бу мазали таом учун 500 гр. мол гўшти майдалагичдан ўтказилади. Пиёз майда тўғралади. Сувга бўктириб олинган чораста қаттиқ бўлка нон, туз, эзилган саримсоқпиёз лозим. Тайёр масалликдан ҳар гал қўл намланиб ёнғоқчалар ясалади. Уларни аввал паст, сўнг баланд оловда 10 дақиқа давомида қовурилади. Ёнғоқчалар кўкатлар билан безатилиб, ёнига қовурилган картошка ёки қайнатилган макарон қўйилса ва помидор-бодринг салати билан қўшиб тановвул қилинса айни муддао.

Ёқимли иштаҳа!

Агар сиз меҳмон кутаётган бўлсангиз ва тансиқ таом тайёрлаш учун шунчаки вақтингиз тигиз бўлса, зудлик билан товуқ сотиб олинг! Товуқни шунчаки газ духовкасида пишириш мумкин. Ва бунинг учун сиз атиги 30-40 дақиқагина сарфлайсиз, холос. Агарда сира иссиқ овқат пиширишга тоқатингиз бўлмаса, товуқ гўшти билан мазали салат тайёрланг. Бу таомларни тайёрлашдан олдин гўштни қандай нимталаш, қуйдиришни эслаб қолинг.

САЛАТ ВА МАЗАЛИ КОВУРМА УЧУН

Мана, сиз бозордан товуқ сотиб олдингиз ва уни пиширмоқчисиз.Аввал парранда гўштини ун билан артинг. Шунда товуқ гўштидаги қолиб кетган туклар яхши кўринади ва уларни қуйдириш осон кечади. Товуқни яхшиси плита устида, 15-20 см. масофада туриб қуйдирган маъқул. Товуқ териси қуйиб кетмаслиги учун уни бўлиш керак бўлади. Қуйган ис пишган таомдан кетмай туриб қолади.

Гўштни қуйдиргач, уни албатта нимталаш керак. Кўпинча гўштни нимталаш пайтида товуқнинг ўт пуфаги ёрилиб кетади ва таомни еб бўлмайдиган даражада аччиқ қилиб юбориши мумкин. Агар ўт пуфаги чиндан ҳам ёрилиб кетган бўлса, товуқ ичларини туз билан обдан яхшилаб артиб, оқиб турган сувда ювинг.

Агар сиз гўшти қаттиқ товуқ сотиб олган бўлсангиз, унда қовурма пишириш олдидан товуқ гўштини чала пишириб қўйинг. Йирик гўшт бўлакларини ташқариси ва ичидан тузлаш керак. Пичоқ билан (унча чуқур ботирманг) гўштнинг бир неча жойига санчинг ва унга пича туз сепинг. Тайёрланган парранда иссиқ сувга турли гиёҳ илдизлари, пиёз, туз солиб қўйинг-да, паст оловда 10 дақиқача қайнагач пичоқ ёки санчқи билан санчинг: пуштиранг суюқлик пайдо бўлади. Товуқни сувдан олиб, қовуришга тайёрланг. Товуғингиз майин ва сувли бўлади. Товуқни энди тузламасангиз ҳам бўлади.

САРИМСОҚ ИСИ – НОЗИК БЎЛАДИ

Саримсоқ фойдали ва айни пайтда кишини алдаб қўяди. Саримсоқнинг айби - унинг ўткир ва ҳаммага ҳам ёқавермайдиган исида. Агарда сиз саримсоқни майдалаб тўғраб солишни истасангиз, яхшиси, уни таом пишишига 3-4 дақиқа қолганида, оловни ўчирганингизда солинг. Салат нозик саримсоқ исини таратиб туриши учун уни салатдонга қирғич билан қириш керак. Яна саримсоқ тақсимчада қолиб кетмаслиги учун яхшилаб тозалаш лозим. Ёрдамчи восита сифатида солинадиган саримсоқни эҳтиётлик билан ишлатиш керак, чунки унинг ҳиди таом мазаси ва ҳидининг ўзига хослигини бузиб қўйиши мумкин.

М. АҲМЕДОВА тайёрлади

Оила ва жамият табассум ишлари

☺ ☺ ☺

Паттани ахтараяпти

Беш ёшли болакай цирк артистларининг чиқишларини мириқиб томоша қиларди. Ёнида ўтирган аёл ундан сўради.

- Сен ҳали жуда кичкина экансан, циркка қандай қилиб келдинг? Паттани ўзинг сотиб олдингми?

- Йўқ, паттани дадам сотиб олди, - жавоб берди бола.

- Даданг қани?

- У уйда қолди. Паттани ахтараяпти, шекилли.

Шим олмасангиз ҳам ўз шимингизни олиб кетинг!

Ўқишни билишадими?

- Ота, мана бу ерда нима деб ёзилган?

-Каптарларга дон бериладиган жой.

- Нима, каптарлар ҳам ўқишни билишадими?

Узоқроқ ёнади

Ўт ўчирувчи мусиқа мактабида имтиҳон топширарди. Ундан сўрашди:

- Скрипка билан рояль ўртасида қандай фарқ бор?

Ўт ўчирувчи бироз хаёл суриб турдида, жавоб берди:

- Рояль узоқроқ ёнади.

☺ ☺ ☺

Ишхонадаги уйқу

Шифокор бемордан сўради:

- Демак, уйқумда гапираман денг? Аммо, ёлғиз яшар экансиз, уйқуда гапирганингиз ҳеч кимга халал бермайди-ку?

- Албатта, гапингиз тўғри, - жавоб берди бемор. - Лекин... ишхонадагилар устимдан кулишаяпти-да.

-Бир ногирон нотавонга хайр-худойи қилинг.

-Бу ёғига изоҳнинг ҳожати йўқ.

Футбол ўйнайдиган майдончамизни ҳайдатмаймиз!



☺ ☺ ☺

Эртага юворсиз

Тушликдан сўнг она ошхонага йўл олди. Буни кўрган қизи унга деди:

- Ойижон, ҳатто туғилган кунингиздаям идиш-товоқ ювишингизни ҳечам истамайман. Уларни эртага юворсиз.

☺ ☺ ☺

Суғориш керак

- Боғни суғориш керак, - деди хотини қатъий оҳангда.

- Ахир, ташқарида челаклаб ёмғир ёғяпти-ку, - эътироз билдирди эр.

- Нима қипти? Ёмғирпўшни кийиб олинг.

Бўлишиб олдик...

- Табриклайман, дўстим! Хотининг билан ярашиб тўғри қилибсан.

- Буни сенга ким айтди. Бу ҳатто хаёлимгаям келгани йўқ.

- Бу қанақаси? Ахир, эрхотин биргаликда ўтин арралаганларингизни ўз кўзим билан кўрдим-ку?

- Қанака ўтин? Биз мебелларни бўлишиб олдик...

☺ ☺ ☺

Ухладими?

Ота ўғлининг тўшаги ёнига ўтириб битта эртак айтди. Ўғлининг ухламаганини кўриб яна битта эртак айтди. Бир соат айтди, икки соат айтди... Ниҳоят ётоқхонани жимлик чулғади. Ойиси секин эшикни очиб сўради:

- У ухладими?

- Ҳа, ойижон, - шивирлаб жавоб берди ўғли.

Хоним кўкарган кўзлари билан ишга келибди. Дугоналари сўрашибди ундан:

- Вой ўлай, Кларахон, ким сизни бу ҳолатга тушириб қўйди!!

- Эрим!!!

- Эрингиз хизмат командировкасига кетди, дегандингиз-ку!!!

- Мен ҳам шундай, деб ўйлагандим...

☺ ☺ ☺

Шундай ҳордиқ олиш керакки, кейинчалик дам олишга ҳожат қолмасин.

☺ ☺ ☺

Малласоч хоним адвокат қабулига кириб:

- Ажримдан сўнг эримнинг ярим бойлигига эга бўлишим мумкинми?- деб сўрабди.

- Тўғри, саводли тузилган ҳужжат бўлса албатта ярим мулкка эга бўлишингиз мумкин. Сиз нега ажримга ошиқяпсиз?

- Ҳозирчалик йўқ, мен ҳали ўзимга боп эрни қидириб топиш билан оворaман.

Сувратларни А. ҲАКИМОВ, хандаларни М. МИРЗАШАРИПОВ, А. БОБОХОНОВ тайёрлашди.

БИР ҚАЙНОВО ОЧИВА ГАПДАР

"Тоққа яқинлашсак, оппоқ қорнинг қораси кўзга яққол ташланиб турар эди".

(Овчилар гапидан)

"Операция пайтида йўқотган қонимни қайтиб беришмади".

(Бир хасиснинг дегани)

"Мактаб ошхонаси овқатланиш хавфсизлиги ойлигини ўтказади".

(Эълондан)

"Туннинг ҳам қоп-қора сочлари билинмай оқаради".

(Ҳаваскор ижодкорнинг табиатга ўхшатмаси)

"Йигит, юрагингиз қанча туради, бир кило тортинг".

(Кассобхонадаги суҳбатдан)

"Йўлларнинг ҳам жигар-бағри эзилиб, ўнқир-чўнқир бўлиб кетибди".

("Йўл" ҳақидаги мақоладан)

"Бу фильмни нафас олмасдан кўрсангиз бўлади".

(Телекўрсатув сухандонининг гапидан)

"Юрак тубидаги чўғ сизни кўриб аланга олди".

(Бир ошиқ йигитнинг қизга дегани)

"Дамас" ароқ ичгани учун йўл қоидасини қўпол равишда бузган".

(ЙПХХ нозирининг дегани)

"Янги тушган келинимиз тилли-жағли экан..."

(Қайнонанинг гапидан)

"Ҳурматли беморлар! Палаталарга оёқ билан кирманг".

(Касалхона бўлимидаги эълондан)

"Бошларингни олиб ўтиринглар".

(Ўқитувчининг дарсда ўқувчиларга дегани)

"Ҳой, келин, бузоқчани эмизиб қўйинг, сут қочмасин!"

(Қайнонанинг келинга дегани)

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вакти- 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 741. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 18296
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Т. НОРИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

23456